



АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ
КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА
ЎРГАТИШ МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

БОТИРОВ ҲАМИД ҲАКИМОВИЧ

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРУВИДА
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ПЕДАГОГЛАРНИ КАСБИЙ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯНГИ МЕТОДИКАЛАРГА ЎРГАТИШ
МИЛЛИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

БОТИРОВ ҲАМИД ҲАКИМОВИЧ

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БОШҚАРУВИДА
ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2022

Мазкур ўқув қўлланмада таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари, уларнинг ижросини таъминлашга масъул давлат органлари, уларнинг ваколатлари, бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари, умумий ўрта таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, умумий ўрта таълим муассасаларида фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатлар, умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалалари ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур ўқув қўлланма халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари ва уларнинг кадрлар захирасини узлуксиз касбий ривожлантириш курс тингловчилари фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Ботиров Ҳамид Ҳакимович. Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида ҳуқуқий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент - 2022 йил. 212 бет.

Тақризчилар:

Юридик фанлар доктори, доцент
Джураев Ихтиёр Бахтиёрович

Юридик фанлар номзоди, доцент
Қўшаев Нурали Маҳмудович

Ушбу ўқув қўлланма Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Илмий Кенгашининг 2022 йил 27 январдаги 1/1-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари	8
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш: масъул давлат органлари, уларнинг ваколатлари	42
Бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари	56
Умумий ўрта таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш	78
Таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари	122
Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уни олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш	136
Умумий ўрта таълим муассасаларида фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатлар	154
Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалалари	182
Хулоса	210
Фойдаланилган адабиётлар	213



КИРИШ

Халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида ҳуқуқий масалалар асосан таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқини тўғри қўллаш олиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Бошқарувда вужудга келадиган ҳуқуқий интизом бу айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга масъул давлат органлари билан ҳамкорлик натижасида шаклланади ва риоя этилади.

Ҳозирги кунда энг асосий долзарб муаммолардан бири бу бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий асосларини таъминлашдир. Ўзбекистон бола ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар ҳам тақдим этиб туради. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларнинг деярли барчасини миллий қонунчиликка имплементация қилди. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида аксарият ҳуқуқбузарликлар меҳнат муносабатларида содир этилмоқда. Меҳнат муносабатларида асосан ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини

бекор қилиш, ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий билимларни оширишга муҳим аҳамият касб этади. Таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда очиқлик, ошқоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий тушунчалар келтирилди.


Шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларида фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатларнинг аҳамияти ва мол-мулкни ижарага бериш, таълим хизматларини амалга оширишда шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар очиб берилган.

Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муассаса ходимлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактик ишларни йўлга қўйиш бўйича норматив-ҳуқуқий тушунчалар ёритилган.





1



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**



ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 41-моддасига мувофиқ ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир¹. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бу таълим соҳасида асосий фундаментал қонун ҳисобланиб, таълим соҳасидаги барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тузишда асос бўлиб хизмат қилувчи қонун ҳисобланади.

Таълим соҳасини бевосита тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу “Таълим тўғрисида”ги² қонундир. Ушбу Қонуннинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Таълим тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларда шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Ўмон Султонлиги Олий таълим вазирлиги ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми (Масқад,

1 «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон

2 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон

2009 йил 5 октябрь)³ имзоланган. Ушбу меморандумдаги қоидалар таълим тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, шу меморандумдаги қоидалар қоидалари қўлланилади.

Таълим соҳасидадаги қонун ҳужжатларида энг асосий тушунчалар қўлланилади. Мазкур тушунчалар таълим соҳасида объект ва субъект фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларга оид тушунчаларни белгилайди ва ҳар бир тушунчанинг мазмунини очиқ беради.

Бунда тушунчаларни тўғри қўлланилиши қонун ҳужжатларни талқин этиш жараёнларига аниқлик киритишга хизмат қилади. Хусусан давлат аккредитацияси бу давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлигининг давлат томонидан эътироф этилиши ҳамда уларнинг битирувчиларига маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни топшириш ҳуқуқининг тақдим этилишидан иборат жараён ҳисобланади.

Давлат таълим муассасаси бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан давлат мол-мулк негизида ташкил этилган, давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ ташкил этилади.

Давлат таълим стандартлари эса давлат томонидан таълимнинг мазмуни ва сифатига нисбатан белгиланадиган талаблар мажмуи ва давлат таълим талаблари бу таълимнинг тузилмасига, мазмунига ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига, шунингдек таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ҳамда касбий сифатларига қўйиладиган мажбурий талаблар ҳисобланди ва Халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Малака бу шахснинг касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришга тайёргарлигини ифодаладиган, маълумот тўғрисидаги тегишли ҳужжат билан тасдиқланадиган билим, қобилият, маҳорат ва

3 Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2010 й., 4-сон



кўникмалар даражасидир.

Мутахассислик бу малака бериш билан якунланадиган муайян касбий тайёргарлик турининг номи ҳисобланади.

Тарбия деганда аниқ мақсадли ҳамда ижтимоий-тарихий тажриба асосида ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришга, уларнинг онгини, маънавий-ахлоқий қадриятлар ва дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тизимли жараён тушунилади. Таълим эса таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек, уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён деганидир.

Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари эса таълим олувчилар, вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари, педагог ходимлар ва уларнинг вакилларидан иборат.

Таълим муассасаси ўзида ягона ҳудудда бирлаштирилган ўқув биноларини, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг вақтинча яшаш жойларини, лабораторияларни, ахборот-ресурс марказларини (кутубхоналарни), спорт иншоотларини, умумий овқатланиш объектларини ўз ичига олган бинолар ҳамда иншоотлар мажмуидан иборат бўлган, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳитини қамраб олади.

Таълим ташкилотлари аттестациясидан ўтказиш деганда таълим ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ҳамда ўқув дастурларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатини аниқлаш ҳисобланади.

Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида таълим хизматлари кўрсатади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР



Ҳар кимга жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, таълим олиш учун тенг ҳуқуқлари кафолатланади.

Ҳар бир шахсга таълим олиш ҳуқуқи:

- ◆ таълим муассасаларини ривожлантириш;
- ◆ уларда инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўқув

дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш;

- ◆ ишдан ажралган (кундузги) ёки ажралмаган ҳолда (сиртқи, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш;
- ◆ кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- ◆ умумий ўрта, ўрта махсус таълимни ва бошланғич профессионал таълимни бепул олиш;
- ◆ оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек умумий ўрта таълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Хорижий фуқаролар халқаро шартномаларга ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.





ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган. Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари:

Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари





Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар 7 ёшга тўладиган йилда қабул қилинади. Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган. Таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради. Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади. Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек, таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган

болалар, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфларида (гуруҳларида) таълим олувчилар сони 35 нафардан ошмаслиги керак. Болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Мактабдан ташқари таълим болаларга узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган.


Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари жумласига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Мактабдан ташқари таълим бериш тартиби таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Давлат оилада таълим олишга ва мустақил таълим олишга кўмаклашади. Болаларнинг оилада таълим олиши ва мустақил таълим олиш услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилган ҳолда тегишли ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади. Оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш тартиби тегишли ваколатли давлат бошқаруви

Таълим олиш шакллари



органлари томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланади.

Оилада таълим олиш болалар, оила, давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат таълим муассасаси ҳамда таълим олувчиларнинг ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида амалга оширилади.

Мустақил таълим олиш якка тартибда амалга оширилади ҳамда таълим олувчиларни касбий, интеллектуал, маънавий ва маданий ривожлантиришга хизмат қилади.


Оилада таълим олган ва мустақил таълим олган шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатни бериш давлат таълим муассасаларининг тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ экстернат тартибида амалга оширилади.

Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади.

Таълим ташкилотининг устави таълим турларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Таълим ташкилотининг уставида қуйидагилар кўрсатилади:



Умумий ўрта таълим ташкилотлари учун намунавий устав Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Таълим ташкилотининг устави таълим ташкилотининг таъсисчилари томонидан тасдиқланади ва ҳудудий тегишлилик бўйича Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинади.

Таълим ташкилотларида ўқитиш тилидан фойдаланиш тартиби «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Давлат таълим стандартлари умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига оид талабларни белгилайди.

Давлат таълим талаблари мактабдан ташқари таълим, олий

таълимдан кейинги таълим, шунингдек, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини, таълим тузилмасини ва таълимни амалга ошириш шартларини, таълим олувчиларнинг жисмоний, шахсий, интеллектуал, илмий ва касбга оид сифатлари тўғрисидаги нормаларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини ва (ёки) давлат таълим талабларини бажариш барча таълим ташкилотлари учун мажбурийдир. Нодавлат таълим ташкилотлари мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда ёки хабарномада кўрсатилган ўқув дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Давлат таълим талаблари таълим соҳасидаги тегишли ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш махсус ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўқув режалари ва ўқув дастурлари тегишли таълим босқичларининг мақсад ҳамда вазифалари асосида ишлаб чиқилади.

Тегисли давлат таълим муассасалари ва ташкилотларидаги ўқув режалари ва ўқув дастурларининг мазмуни, уларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги томонидан белгиланади.

Умумтаълим фанларининг ўқув дастурлари шахсни ҳар томонлама камол топтиришга, таълим олувчиларда билим, малака, кўникмаларни, савияни шакллантиришга ва уларнинг қобилиятини



ривожлантиришга қаратилган бўлиши керак.

Касбга оид фанларнинг ўқув дастурлари таълим олувчилар томонидан тегишли касблар ва мутахассисликларни эгаллашга қаратилган. Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион шакллари ва усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилади.

Таълим жараёнига ўқув режалари ва ўқув дастурларини жорий этиш чоғида таълим ташкилотлари кредит-модуль тизимига асосланган ўқитиш технологияларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқув режасида таълим жараёнининг жадвали, ўқитишнинг бошланиши, муддати ва даврийлиги, ўқув йиллари, чораклар, семестрлар, амалиёт, таътиллار ҳамда аттестация, ажратилган ҳафталар сони, ўрганиладиган фанлар (модулар) ва уларга ажратилган соатлар (кредитлар) ҳамда бошқа зарур параметрлар акс эттирилади.

Таълим олувчиларнинг амалиётни ўташ тартиби ва уни ташкил этиш таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади.

Ўқув режаларига давлат бошқаруви органларининг топшириқларига асосан ва қонунчиликда назарда тутилмаган бошқа йўл билан қўшимча фанларни киритишга йўл қўйилмайди. Таълим ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги уларнинг расмий веб-сайтларида Интернет жаҳон тармоғида жойлаштириладиган таълим ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги очиқ ахборот ресурслари билан таъминланади.

Таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириладиган ахборотнинг ишончилигини таъминлаш учун таълим ташкилотларининг раҳбарлари шахсан жавобгардир. Айрим таълим ташкилотларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда чекланиши мумкин.





Таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш барча талабгорлар учун таълим олишга доир тенг имкониятларнинг таъминланиши принципи асосида амалга оширилади, шахсларнинг айрим тоифалари бундан мустасно, уларга қонунчиликка мувофиқ имтиёзлар берилиши мумкин. Таълим ташкилотлари талабгорларни ва (ёки) уларнинг ота-онасини ёки бошқа қонуний вакилларини устав, лицензия ёки хабарнома қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома (нодавлат таълим ташкилотлари учун), давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификат (бундан мактабдан ташқари нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари мустасно), ўқув дастури ҳамда таълим фаолиятини тартибга солувчи бошқа ҳужжатлар, ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништириши шарт.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар ўқишга ўз ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг розилигига ва тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан қабул қилинади.

Айрим таълим ташкилотларига (Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаблар ва бошқаларга) ўқишга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Таълим ташкилотларига танлов асосида ўқишга қабул қилиш чоғида танловиштирокчиларига танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги ахборот тақдим этилади. Давлат таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Нодавлат таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш тартиби ушбу таълим ташкилотлари томонидан белгиланади. Чет эллик фуқароларни Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларига қабул қилиш тўлов-шартнома асосида (бундан давлат гранти ажратилган ҳоллар мустасно) амалга оширилади. Олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш чоғида имтиёзли контингент учун қўшимча қабул параметрлари белгиланади. Давлат таълим муассасаларига ўқишга мақсадли қабул қилиш тегишли ҳудудларнинг, соҳалар ва тармоқларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда улар учун белгиланган таълим олувчиларни қабул қилиш параметрлари доирасида амалга оширилади. Давлат таълим муассасаларига ўқишга мақсадли қабул қилиш кадрлар буюртмачилари, давлат таълим муассасалари ва фуқаролар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлат таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш тартибида ўқишга кириш умумий асосларда танлов натижаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аккредитация қилинган таълим ташкилотларининг давлат таълим стандартларига ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим олган битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат, диплом, сертификат, гувоҳнома) берилади. Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат оилада таълим олган ёки мустақил таълим олган ҳамда аккредитация қилинган давлат таълим муассасаларининг тегишли ўқув дастурлари бўйича экстернат тартибида якуний ва давлат аттестациясидан ўтган шахсларга ҳам берилади.

Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш амалга оширилиши мумкин. Узлуксиз таълимнинг тегишли турини тамомламаган шахсларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади.

Давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат, шунингдек, нодавлат таълим ташкилотлари томонидан бериладиган Ўзбекистон Республикасида тан олинadиган таълим тўғрисидаги ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги тури (даражаси) бўйича ўқишни давом эттириш ёки тегишли мутахассислик ва касб



бўйича ишлаш ҳуқуқини беради.

Хорижий давлатларнинг ва Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ташкилотлари ўртасида тузилган шартнома асосида уларнинг битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган икки томонлама диплом (Double Diploma) берилиши мумкин.



Рейтингни белгилаш учун таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун таълим ташкилотининг раҳбари шахсан жавобгар бўлади.

Таълим тизимидаги мониторинг таълимнинг ҳолатини, таълим натижаларининг ўзгариши суръатларини, таълим фаолиятини амалга ошириш учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва кузатишни, шунингдек таълим олувчиларнинг контингенти тўғрисидаги маълумотларни ва бошқарув қарорлари қабул қилинишини таҳлил этишни ўз ичига олади.

Таълим ташкилотларининг мониторинги Таълим инспекцияси, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Таълим ҳолатининг таҳлили ва уни ривожлантириш истиқболлари

тўғрисидаги ахборот таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг, шунингдек таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

Таълим тизимидаги маълумотлар жумласига расмий статистика маълумотлари, таълим тизими мониторинги натижалари, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда таълим ташкилотларининг маълумотлари киради.

Тегишли маълумоти, касбий тайёргарлиги бўлган ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Педагогика таълим йўналишини тамомлаган шахслар ва дипломли мутахассислар ўз мутахассислиги бўйича педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, педагогик олий маълумотга эга бўлмаган шахсларга қайта тайёрлаш курсларидан ўтганидан кейин таълим ташкилотларида (бундан олий таълим ташкилотлари мустасно) педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади.

Ишлаб чиқариш таълими усталари қайта тайёрлаш курсларидан ўтмасдан профессионал таълим ташкилотларида педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳақли.

Зарурат бўлганда профессионал таълим ташкилотлари ишлаб чиқариш таълими усталарини, шунингдек тегишли билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган, олий маълумоти бўлмаган бошқа мутахассисларни амалий ва қўшимча машғулотларни олиб бориш учун жалб этиши мумкин.

Педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинади. Педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-қувватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади, шунингдек ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар берилади.



Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади.

Таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий фаолиятига аралашишга, таълим олувчиларнинг билимларини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатишга, шунингдек ушбу педагог ходимларнинг хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди.

Педагог ходимлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Педагог ходимларни уларнинг лавозим мажбуриятлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай бошқа ишга жалб қилиш тақиқланади. Шунингдек ҳуқуқлардан ташқари педагогларга мажбуриятлар ҳам юкланади.

Педагог ходимларнинг зиммасида қонунчиликка, шунингдек таълим олувчи ва таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Педагог ходимларга педагогик фаолиятни амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир этиш тақиқланади. Педагог ходимларнинг кийим-бошига доир талаблар таълим ташкилотлари томонидан белгиланади. Шу билан бирга таълимнинг асосий истеъмолчиси бўлган таълим олувчиларга қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўрнатилган.

Таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита қонун ёки ички буйруқлар асосида ҳам белгиланади. Бунда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқланади.

Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари:



ўз шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш



ўқув дастурлари доирасида муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш, шунингдек тегишли ўқув фанлари, курслари, модулларидан фойдаланиш, ижодий фаоллик кўрсатиш



замонавий педагогик шакллари, ўқитиш ва тарбия воситаларини, усулларини эркин танлаш ҳамда улардан фойдаланиш



касбий фаолиятини амалга ошириш учун уларга зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш



ўқув, илмий ва услубий йўналишлардаги ахборот-ресурс марказларининг хизматларидан бепул фойдаланиш



давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш



илмий, илмий-тадқиқот ва ижодий фаолиятни амалга ошириш, экспериментал фаолиятда иштирок этиш, инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш



таълим ташкилотини бошқаришда, шунингдек таълим ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш



касаба уюшмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари аъзоси бўлиш, ходимларнинг вакиллари бўлиш, фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятида қатнашиш



ўз касбий ҳуқуқларини ва умумий манфаатларни ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагог ходимларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш



ўз касбий ҳуқуқларини ва умумий манфаатларни ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагог ходимларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш



ўз касбий фаолиятига аралашувдан ҳимояланиш



давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиш (давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари учун)



таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этиш



Таълим оловчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Таълим ташкилотларида таълим оловчиларни таълим олиш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш тақиқланади.

Педагог ходимларнинг мажбуриятлари:



таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши



ўқув машғулотларини сифатли ўтказиши



ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиш ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларида фойдаланиши



таълим оловчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва руҳий саломатлигини, физиологик ривожланишини ҳисобга олиши, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахсларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратиши



вояга етмаган таълим оловчилар билан таълим-тарбия ишларини уларнинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари билан ҳамкорликда олиб бориши



таълим ташкилотининг уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларига, ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этиши



ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориши, эгаллаб турган лавозимига мувофиқлик жиҳатидан даврий аттестациядан ўтиши



тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши

Таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари



беғул асосда умумий ўрта, ўрта махсус таълим ва бошланғич профессионал таълим олиш



яшаш жойидаги (микрорайондаги) давлат умумий ўрта таълим муассасасига қабул қилиниш



давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ сифатли таълим олиш



таълим олиш учун ўзининг руҳий хусусиятлари ва физиологик ривожланиши инобатга олинган ҳолда зарур шарт-шароитларга эга бўлиш, шунингдек беғул психологик-тиббий хизматлардан фойдаланиш



педагог ходимлар ва таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари томонидан ҳаёти ва соғлиғига қилинадиган ҳар қандай жисмоний ҳамда руҳий зўравонликдан, шахси ҳақоратланишидан ҳимояланиш



таълим олиш даврида дам олиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлар учун таътиллар олиш



академик таътиллар олиш, ўқишини бошқа таълим ташкилотларига, касбдан, мутахассислигидан бошқасига кўчириш



таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш



таълим олиш жараёнида таълим ташкилотининг ўқув, услубий, илмий-ишлаб чиқариш, маданий, спорт ва маиший объектлари хизматларидан беғул фойдаланиш



таълим ташкилотининг илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, илмий-техникавий, экспериментал ва инновацион фаолиятида иштирок этиш



ўз касбий ҳуқуқларини ва умумий манфаатларни ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш учун педагог ходимларнинг жамоат бирлашмаларига бирлашиш



Таълим ташкилотларида таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 666-сон қарори⁴ билан белгиланади.

Мактабдан ташқари таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш турлари бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларнинг кийим-бошига доир талабларни мустақил белгилашга ҳақли.

Таълим олувчиларнинг айрим тоифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кийим-бош билан таъминланади. Кундузги таълим шаклидаги таълим ташкилотида таълим олувчиларга, шунингдек, сиртқи таълим шаклида якуний ва оралиқ аттестация даврида вақтинча яшаш жойлари, улар мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Вақтинча яшаш жойлари таълим олувчиларга таълим ташкилоти томонидан белгиланган тартибга мувофиқ берилади. Вақтинча яшаш жойларига муҳтожлар мавжуд бўлган ҳолларда, ушбу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Вақтинча яшаш жойларидан фойдаланиш учун таълим ташкилоти билан тузилган шартномага мувофиқ ҳақ тўланади. Вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори таълим ташкилоти томонидан белгиланади.

Давлат таълим муассасалари айрим турдаги таълим олувчилар учун вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун тўлов қийматини камайтиришга ёки уларни тўловдан тўлиқ озод қилишга ҳақли. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шунингдек, ўқитиш даврида етим бўлиб қолган болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) вақтинча яшаш жойидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод қилинади. Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 09/18/666/1768-сон; 20.06.2019 й., 09/19/509/3316-сон

вакиллари боланинг ўқиши, тарбияланиши, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиши учун масъулдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим ташкилотлари вояга етмаган таълим олувчиларни тарбиялашда, уларнинг жисмоний ҳамда руҳий соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда, шунингдек индивидуал қобилиятларини ривожлантиришда уларнинг ота-онасига ҳамда бошқа қонуний вакилларига кўмаклашади.

Таълим олувчиларнинг мажбуриятлари



ўқув дастурлари асосида билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириши, машғулотларга қатнашиши, уларга мустақил тайёргарлик кўриши, педагог ходимларнинг топшириқларини бажариши



таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчиларига нисбатан жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик ишлатмаслиги ва уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги



устав (таъсис ҳужжати) талабларига, ички тартиб-қоидаларига, вақтинча яшаш жойлари қоидаларига ва таълим фаолиятини ташкил этиш ҳамда амалга оширишга оид бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя этиши



ахлоқий, маънавий ва жисмоний камол топишга ҳамда ўз дунёқарашини кенгайтиришга интилиши



таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши



таълим ташкилотининг мол-мулкани, моддий ва маданий бойликларини асраши



Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг ҳуқуқлари:



жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларга, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларга оилада таълим олиш имкониятини бериш



оилада таълим олаётган боланинг фикрини инобатга олган ҳолда унинг ўқишини таълимнинг ҳар қандай босқичида таълим ташкилотида давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиш



таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, моддий-техника базасини ривожлантириш, таълим ташкилотларига хайрия ёрдами кўрсатиш бўйича таклифлар киритиш



таълим ташкилотининг устави ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжати, лицензияси, давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификати, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари билан танишиш



таълимнинг мазмуни, қўлланилаётган таълим ва тарбия усуллари, таълим технологиялари билан, шунингдек ўз болаларининг ўқув фанларини ўзлаштириши натижалари билан танишиш



таълим олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш



таълим ташкилотини бошқаришга доир масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Шунинг ҳуқуқлардан ташқари уларга мажбуриятлар ҳам юкланади.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакиллари зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Таълим ташкилотларида таълим олувчилар қонунчиликка мувофиқ имтиёзлар, стипендиялар ва вақтинча яшаш

жойлари билан таъминланади. Тўлов-шартнома асосида таълим олувчиларга имтиёзли банк кредитлари берилиши мумкин.

Вояга етмаган таълим олувчиларнинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг мажбуриятлари:



ўз болаларини инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаши



болаларининг умумий ўрта, ўрта махсус таълим ёки бошланғич профессионал таълим олишини таъминлаши



болаларининг ўқув машғулотларига қатнашишини таъминлаш ва ўзлаштириши устидан назоратни амалга ошириш



ўз болаларининг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиши



таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёнини тартибга солувчи ички тартиб-қоидаларига риоя этиши



жисмоний ва юридик шахслар билан муносабатларда, шу жумладан судда махсус ваколатларсиз ўз болаларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши



таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши

Нодавлат таълим ташкилотлари таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни қонунчиликка, ўз уставига ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатида мувофиқ амалга оширади.

Давлат ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилалардаги болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги)



ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун, шунингдек мазкур тоифадаги таълим олувчиларнинг касбий ўсиши учун шарт-шароитлар яратади. Таълим ташкилотларининг ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланади. Таълим ташкилотларининг педагог ходимларига қисқартирилган иш вақти давомийлиги белгиланади, ҳақ тўланадиган ҳар йилги узайтирилган таътил ва бошқа имтиёзлар ва кафолатлар тақдим этилади.

Таълим ташкилотларининг педагог ва бошқа ходимларига санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши ҳамда профилактика чоралари билан амалга ошириладиган соғлиқни сақлаш кафолатланади. Таълим ташкилотлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар доирасида мустақил равишда иш ҳақиға, лавозим маошларига табақалаштирилган устамалар белгилашга ва меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда уни рағбатлантиришнинг турли шакллари қўллашга ҳақли. Етим болаларни ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ўқитиш ва уларнинг тўлиқ таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг (шахсларнинг) давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида инклюзив шаклда бепул умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим олишини таъминлайди.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ташкил этилади. Таълим олувчиларни ушбу таълим муассасаларига юбориш ва улардан четлатиш ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосасига биноан амалга оширилади.

Давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим

олувчилар давлат таъминотида бўлади. Алоҳида шароитларда ўқитиш ва тарбияланишга муҳтож бўлган болалар (шахслар) учун уларнинг таълим олишини, касбий тайёргарлигини ва ижтимоий реабилитация қилинишини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ташкил этилади.

Озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган болаларнинг (шахсларнинг) таълим олиши, тарбияланиши ва мустақил таълим олиши учун шароитлар яратилади. Нодавлат таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁵ билан тартибга солинади.

Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш ва қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек, лицензияни бекор қилиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.


Лицензиялар номуайян муддатга, таълимнинг қуйидаги турлари учун алоҳида берилади:



5 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.07.2021 й., 03/21/701/0674-сон



Таълимнинг қуйидаги турлари хабардор қилиш орқали амалга оширилади:



Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган умумий ўрта, ўрта махсус таълим ташкилотлари, давлат таълим стандартларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилади. Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтади.

Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш беш йил муддатга амалга оширилади. Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш таълим ташкилотларининг аризасига кўра Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади. Ариза аккредитация муддати тугашидан уч ой олдин берилади.

Аттестация икки босқичда - таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ва ташқи баҳолаш босқичларида амалга оширилади. Ички баҳолаш таълим ташкилотининг ўзини ўзи баҳолашидир. Ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин Таълим инспекцияси томонидан амалга ошириладиган баҳолашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилган таълим ташкилотлари ташкил этилган кундан эътиборан беш йил мобайнида аккредитация қилинган ҳисобланади.

Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан беш йил давомида аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади, бу муддат тугагач, белгиланган тартибда аттестация ва аккредитациядан ўтказилади. Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан ўтказиш мақсадида Таълим инспекцияси ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссияси тузилади.

Давлат аккредитацияси таълим ташкилотининг аттестацияси асосида амалга оширилади. Доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссияси таълим ташкилотининг мақомини ва унинг фаолияти давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ва ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлайди. Таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, унга давлат аккредитациясининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Таълим ташкилоти қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолларда давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатнинг амал қилиши Таълим инспекциясининг қарори билан тугатилади.

Таълим тўғрисидаги қонунчиликнинг талаблари ёки сертификатда кўрсатилган шартлар бузилганлиги аниқланган ва аниқланган қоидабузарликлар таълим ташкилоти томонидан бартараф этилмаган ҳолларда Таълим инспекцияси томонидан давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Давлат аккредитациясидан ўтган таълим ташкилотлари Таълим ташкилотларининг реестрига киритилади ва бу ҳақдаги маълумотлар Таълим инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим

тўғрисидаги ҳужжат тан олиш жараёнидан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади.

Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади. Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида”ги 620-сон қарори билан белгиланади.

Мазкур қарорга асосан хорижий давлатларда таълим олган ва юқори рейтингга эга бўлган таълим муассасаларнинг ҳужжатлари умумий тартибда қўшимча имтиҳонларсиз тан олиниши мумкин. Таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостиль ҳужжатни тасдиқлаган шахс имзосининг ҳақиқийлигини, шунингдек муҳр ёки штампнинг босма изи ҳақиқийсига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида қўйилади.

Апостилга қўйилган имзо, муҳр ёки штамп қўшимча равишда тасдиқлашни талаб этмайди. Таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Таълим ташкилотлари қуйидагилар масалалар юзасида хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади:



Таълим ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлашни амалга ошириши мумкин. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари:

- ◆ хорижий давлатларнинг тегишли ваколатли органлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;
- ◆ Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларни хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига ўқиш учун юборади;
- ◆ педагог ходимлар ва таълим олувчилар алмашинувини амалга оширади;
- ◆ раҳбар ҳамда педагог ходимларнинг хорижий давлатларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади;
- ◆ ўз ходимлари ҳамда мутахассисларини халқаро конференцияларга ва стажировкаларга юбориш, уларнинг халқаро лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотларда иштирок этишини қўллаб-қувватлайди.

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бошқа тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.


Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки якка тартибда хорижда таълим олиш ҳуқуқига эга.



Назорат саволлари:

1. Таълим тизими, таълим турлари, таълим шакллари ёритиб беринг.
2. Таълим соҳасидаги асосий принципларни изоҳлаб беринг.
3. Таълим ташкилотининг намунавий уставини расмийлаштириш тартибини тушунтириб беринг.
4. Давлат таълим стандарлари ва давлат таълим талабларининг фарқларини изоҳлаб беринг.
5. Таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида қандай маълумотлар бўлиши шарт.
6. Таълим ташкилотларининг рейтингини беолгиловчи мақсадларни изоҳлаб беринг.
7. Педагогларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини изоҳлаб беринг.
8. Таълим оловчиларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини ёритиб беринг.
9. Нодавлат таълим ташкилотларини лицензиялаш тартибини тушунтириб беринг.
10. Таълим ташкилотини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш тартибини ёритиб беринг.

2



**НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА МАСЪУЛ ДАВЛАТ
ОРГАНЛАРИ, УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**



НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА МАСЪУЛ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси ўзининг ваколоти доирасида Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар ва Президент қарорларинини ижро этувчи ҳокимият ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси таълим соҳасига оид қонунларни ва Президент қарорларини ижросини таъминлаш юзасидан қонун ости ҳужжатларни қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим соҳасида ваколатлари:

- ◆ таълим соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
- ◆ таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилади;
- ◆ таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, педагог кадрларни ва илмий ходимларни аттестациядан ўтказиш, нодавлат таълим ташкилотларига таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар бериш ваколатли органни ушбу соҳада фаолият бошлаш тўғрисида хабардор қилиш, таълим тўғрисидаги ҳужжатларга апостиль қўйиш тартибларини белгилайди;
- ◆ педагогик кадрларни таълим ташкилотларига ишга қабул қилиш ва улар фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайди;

- ◆ хорижий давлатларнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига доир рухсатномалар беради;
- ◆ хорижий давлатларда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини белгилайди;
- ◆ давлат намунасидаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлайди ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатлар бериш тартибини белгилайди;
- ◆ экстернат тартибида ўқитишга йўл қўйилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлайди;
- ◆ фақат давлат таълим муассасаларида ўқитиладиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини тасдиқлайди;
- ◆ давлат таълим муассасалари ва ташкилотларига қабул қилиш тартибини белгилайди;
- ◆ давлат олий таълим муассасалари ректорларини, шунингдек давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим муассасалари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим муассасалари ва бошқалар) ректорларини (раҳбарларини) лавозимга тайинлайди ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этади;
- ◆ таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим ташкилотидан бошқасига кўчириш, шунингдек уларни ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш тартибини белгилайди;
- ◆ таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш тартибини белгилайди;
- ◆ кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди;
- ◆ меҳнат бозори талабларини прогноз ва таҳлил қилиш асосида таълим ташкилотларида кадрларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради;

- ◆ таълим ташкилотларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилайди;
- ◆ дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш тартибини, шунингдек, уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилайди.
- ◆ Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида таълим сифатини назорат қилиш бевосита Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси таълимнинг барча турларида ўқув-тарбия жараёни, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифати устидан назорат қиладиган махсус ваколатли давлат бошқаруви органидир.

Таълим инспекциясининг қуйидаги ваколатларга эга:



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилган.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни

ривожлантириш агентлиги ҳам ўзига тегишли бўлган таълим ташкилотлар доирасида тегишли таълим соҳасидаги ваколатларни амалга оширади.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги қуйидаги ваколатларни амалга оширади:



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларидир.



Халқ таълими вазирлигининг ваколатлари:



таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади



таълим соҳасидаги тармоқ давлат дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади



таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарлик қилишни амалга оширади



давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларида кадрларнинг маълумоти даражасига ва касбий тайёргарлиги сифатига қўйилган талабларнинг таълим ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади



давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари ишлаб чиқишнинг таъминлайди ва уларни тасдиқлайди



таълим олувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш тартибини белгилайди



таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари жорий этилишини таъминлайди



таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ўқув дастурларини такомиллаштиради



ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр қилишни ташкил этади



ўзлаштиришни баҳолашга, ўқув жараёнини, таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди, шунингдек экстернат тартибида таълим олувчиларнинг тоифаларини белгилайди



таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади



таълим ташкилотларида моддий-техника ресурсларидан фойдаланишга доир талабларни ишлаб чиқади



таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади



таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади

Таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Қорақолпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар ҳокимликлари ҳам таълим соҳасида бир нечта ваколатларни бажаради.

Мазкур маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қуйидаги ваколатларни амалга оширади:



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Таълим ташкилотини бошқаришни тегишинча қуйидагилар амалга оширади:

Таълим ташкилотларида жамоатчилик бошқаруви органлари ташкил этилиши мумкин.





Таълим ташкилотларини бошқаришда ва кадрлар тайёрлашда кадрлар талабгорлари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади. Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия олинган кундан эътиборан таълим фаолияти билан шуғулланишга ҳақли.

Таълим ташкилотлари ўз фаолиятини устав ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатлари асосида юритади. Таълим ташкилотлари ўқув-тарбия ва ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларига бирлашишга ҳақли. Таълим ташкилотларида сиёсий партияларнинг ташкилий тузилмаларини ташкил этишга йўл қўйилмайди. Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат таълим муассасалари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан институтлар ва марказлар шаклида;

—тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаларининг факультетлари ва курслари шаклида ташкил этилади.

Давлат умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари:

- ◆ республика бўйсунувида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда;
- ◆ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйсунувида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда;
- ◆ туманлар ва шаҳарлар бўйсунувида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими

вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилади. Таълим ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика органларига, Таълим инспекциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий органларига тақдим этилади.

Нодавлат таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади, бундан мактабдан ташқари таълимни, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотлари мустасно. Нодавлат таълим ташкилотлари лицензия талабларига ва шартларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатади.

Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи таълим ташкилотлари томонидан битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат (сертификат) берилиши мумкин. Бунда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича нодавлат таълим хизматларини кўрсатувчи таълим ташкилотлари белгиланган тартибда аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтиши керак.

Мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олинадиган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради.



Нодавлат таълим ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва юқори касбий маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар ва бошқа кадрларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар кўради.

Нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича ўқитиш таълим оловчи ёхуд унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган, ўқитиш муддатлари, шартлари ва тўловлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланадиган шартнома асосида амалга оширилади.

Таълим соҳасидаги давлат назорати берилаётган таълимнинг мазмуни ва сифати давлат таълим стандартларига, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига, шунингдек қонунчилик талабларига мувофиқлигини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Таълим ташкилотлари таълим сифати устидан назоратни амалга оширишда Таълим инспекциясига, таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларига кўмаклашади. Таълим ташкилотлари томонидан берилаётган таълимнинг мазмуни ва сифати таълим тўғрисидаги қонунчиликка номувофиқлиги аниқланган ҳолларда

Таълим инспекцияси номувофиқликни бартараф этиш юзасидан уларга тақдимнома киритади. Аниқланган номувофиқлик бартараф этилмаган тақдирда Таълим инспекцияси таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатини қонунчиликка мувофиқ бекор қилишга ҳақли.

Таълим сифати устидан назорат қилиш ваколатларига эга бўлмаган органлар томонидан таълим ташкилотларининг таълим сифатини, таълим жараёни ташкил этилишини, педагог ходимларининг меҳнат фаолиятини, таълим оловчиларининг ўзлаштиришини текширишга йўл қўйилмайди.

Таълим инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда нодавлат таълим ташкилотларида таълим сифати устидан назорат ва мониторингни амалга оширади.

Таълим ташкилотлари ўз фаолиятларини Таълим инспекцияси томонидан ишлаб чиқилган аттестациядан ўтказиш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида мустақил равишда ички баҳолашдан ўтказди. Шундан сўнг таълим ташкилотлари ўз фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан икки ой олдин ички баҳолаш натижаларини Таълим инспекциясига тақдим этади.

Таълим инспекцияси таълим ташкилотининг фаолиятини ички баҳолаш яқунларини ўрганади ва улардан таълим ташкилотининг фаолиятини ташқи баҳолаш жараёнида фойдаланади.

Таълим ташкилоти раҳбари ички баҳолаш натижаларининг ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан, кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Нодавлат таълим ташкилотларини молиялаштириш муассисларнинг, кадрлар буюртмачиларининг пул ва моддий маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Пулли таълим хизматларини кўрсатиш давлат таълим муассасаларининг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Давлат таълим муассасаларида қўшимча таълим хизматлари кўрсатганлик учун ҳақ ундириш тартиби улар томонидан мустақил равишда белгиланади. Давлат таълим муассасалари пулли таълим

хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳисобидан олинган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этишга ҳақли.

Таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат:



Умумий ўрта, ўрта махсус таълимда ва бошланғич профессионал таълимда ажратиладиган маблағлар суммалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади ҳамда ушбу маблағлар тарбияланувчилар ва таълим олувчиларнинг ўқиш жойидаги таълим ташкилотларига йўналтирилади.

Таълимни ривожлантириш жамғармалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат муассасалари ҳамда ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари ҳамда ажратмалари, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этилиши мумкин.

Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик давлат ва хусусий шерикларнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган

ҳамкорликдир.

Нодавлат таълим ташкилотлари таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилиши мумкин. Таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни⁶ принципи, нормалари ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълим соҳасини, таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек инвесторларнинг, шу жумладан чет эллик инвесторларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган инвестицияларни жалб этиш учун қулай ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилишини таъминлайди.

Таълим ташкилотлари ўз мулкига, хўжалик юритувидаги ёки оператив бошқарувидаги мулкка эга бўлиши керак. Давлат таълим муассасаларининг оператив бошқарувида ёки хўжалик юритувида бўлган объектларнинг (бинолар, иншоотлар, қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг, ўқув, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг, таълим оловчилар вақтинча турар жой биноларининг, клиник базалар ва бошқа кўчмас мулк объектларининг, шу жумладан таълим кампусларига кирадиган мулк объектларининг) хусусийлаштирилишига йўл қўйилмайди.


Таълим ташкилотлари қайта ташкил этилган ҳолларда уларнинг мол-мулкиянги ташкил этилган таълим ташкилотига ҳуқуқий ворислик асосида ўтказилади. Таълим ташкилотлари тугатилганда уларга тегишли мол-мулк кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан сўнг, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, муассисларга (иштирокчиларга) қайтарилади.

6 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон



Назорат саволлари:

1. Таълим тизимини бошқаришга ваколатли бўлган органлар ва уларнинг ваколатларини ёритиб беринг.
2. Таълим фаолиятини ташкил этиш ва унинг назоратини амалга ошириш тартибини изоҳлаб беринг.
3. Таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибларини ёритиб беринг.
4. Таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш механизмларини очиб беринг.



**БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1989 йилда имзоланган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ратификация қилган энг биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳисобланади. 1992 йилда мазкур Конвенцияга қўшилиб, Ўзбекистон бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, Конвенция қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилотининг бола ҳуқуқлари бўйича Қўмитасига Конвенциянинг бажарилиши тўғрисида доимий равишда ҳисоботлар ҳам тақдим этиб туради.

Шуни таъкидлаш жоизки, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Маълумки, бола ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга мувофиқ болада туғилиши биланоқ инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ, эркинликлари вужудга келади ҳамда улар давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра болалар ота-оналарининг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъий назар қонун олдида тенгдирлар.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалда бўлган қонунчилик Конституциямиз нормаларини Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияга мувофиқ ҳолда такомиллаштиришга йўналтирилган. Конвенция талабларига мувофиқ бола ҳуқуқларини мустаҳкамлаган ва уларнинг ҳимоя қилиниш шакллари такомиллаштирган Фуқаролик ва Оила Кодексларининг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчилик ривожига жиддий ҳисса қўшди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция БМТнинг болаликни муҳофазалаш бобидаги энг универсал ҳужжати ҳисобланади. Унда мустаҳкамлаб қўйилган бола ҳуқуқ ва манфаатларининг барча қирраларини “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қамраб олган.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг энг асосий жиҳатларидан бири, унда бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қарийб барча қоидаларнинг жам қилинганлигидир. Мазкур қонун ҳужжати Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг асосий ва қўшимча кафолатларини ўз ичига олган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида конвенция ривожланишнинг турли босқичларида болалар фаровонлиги мезонларини аниқлаб берувчи ягона халқаро ҳужжат, шунингдек, унда иштирок этувчи мамлакатлар унинг қоидаларини бажаришлари қатъий белгиланган расмий ҳуқуқий дастурдир.

Конвенция умумий меъёрларни жорий қилишига қармасдан, унда алоҳида давлатларнинг маданий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қирралари акс этган. Ҳар бир давлат бу меъёрларнинг бажарилишига ўзига хос миллий хусусиятларини назарга олиш ҳуқуқ ва имкониятига эга.

Конвенцияда илк бор бола тушунчаси ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинган. Бу ҳуқуқ субъектига болалардан ташқари, вояга етмаганлар ҳам киради. Иккинчидан, Конвенция вояга етмаганларнинг халқаро



ҳуқуқий мақомини шакллантирди. Шунга кўра, боланинг ҳуқуқ ва эркинлик доираси кенгайтирилди. Учинчидан, ушбу ҳужжатда шафқатсизқийноқ ва қуролли тўқнашувлар қурбони бўлган, шунингдек, қонунни бузган ва муомалага лаёқатсиз болаларнинг юридик ҳимояси назарда тутилган. Тўртинчидан, унда болаларни баъзи бир салбий ҳодисалар (ғиёҳвандлик ва руҳий таъсир этувчи моддаларни ноқонуний истеъмол қилиш, болаларни сотиш ва ғайриқонуний мақсадларга жалб этиб, улардан фойдаланиш) каби таъсирлардан ҳимоя қилиш масалалари ҳам алоҳида қайд этилган. Бешинчидан, бола ёки ўсмир ҳуқуқларини ҳимоя қилишда камситмаслик тамойили эътироф этилган.

Мазкур Конвенция бола ҳаёти билан боғлиқ 54-моддани ўз ичига олган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир мамлакат ўз миллий қонунчилигини унинг қоидаларига мувофиқ қайта кўриб чиқишлари лозим.

Илгари бола ҳақида ғамхўрлик у ҳимояга муҳтож бўлган тақдирдагина амалга оширилар эди. Конвенция қабул қилиниши муносабати билан мутлақо янги концепция белгиланди. Унда таъкидланишича, ғамхўрлик ва ҳимоя бу — мурувват масаласи эмас, балки ҳуқуқдир. Конвенция кучга кириши билан, у болалар учун асосий ижтимоий ва ҳуқуқий мезонлар, тартиб ва қоидалар қатъий белгиланган мажмуага айланди.

Конвенциянинг иккинчи қисмида, уни ратификация қилган давлатлар унга қатъий риоя этиш устидан назорат тизими ва унинг мазмуни ҳақидаги маълумот тартиби белгилаб қўйилган. Бола ҳуқуқлари бўйича жуда кенг ваколатга эга бўлган БМТ Қўмитасини таъсис этиш ҳақида йўриқ берилган.

Конвенциянинг учинчи қисмида унинг талаблари давлатлар томонидан қабул қилиниши ва риоя этилишининг ҳуқуқий жиҳатлари белгилаб қўйилган.⁷

7 <http://old.adolatnashr.uz/page/bola-khukuklari-tugrisidagi-bmt-konvenciyasining-uzbekistondagi-akhamiyati-0>

Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида Қонуни⁸ бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.



8 Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 8 январдаги 5 (4415)-сонида эълон қилинган



Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

-  боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш
-  боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш
-  боланинг камситилишига йўл қўймаслик
-  боланинг шакли ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш
-  болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглитини таъминлаш
-  бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш
-  бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш
-  бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансубдор шахслари фаолиятининг очиклиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш
-  болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш
-  бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
-  болаларда ватандарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш
-  болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий аяғаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш
-  боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадний исқоджорлигини ривожлантириш
-  болалар таънаббусларини қўллаб-қувватлаш
-  болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш
-  бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш
-  бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш
-  болаларнинг ижтимоий қўникмасига, пойга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга қўмаклашиш

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан ташқари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари ҳам белгиланган.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари доирасида ваколатлари

-  бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш
-  бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш
-  бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни ижро этиш
-  бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш
-  бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
-  бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш
-  давлатга қарашли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга қўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш
-  бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш ҳамда халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифодалаш
-  ахборот-маърифий фаолиятни амалга ошириш
-  ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этиш



Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларнинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдам кўрсатади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига

суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

Ҳар бир бола туғилган пайтдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳуқуқига, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола ўз шаъни ва кадр-қимматига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Бола қонунга асосланмаган ҳолда ушлаб турилиши, ҳибсга олиниши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Давлат боланинг шахси, уй-жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатация ва зўравонликнинг барча шаклларида, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноқларга солишдан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қиммати камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, ҳуқуқбузарликлар ва ғайриижтимоий ҳаракатлар содир этишга жалб этилишидан ҳимоя қилинишини амалга оширади.

Давлат:

1 

болага нисбатан эксплуатация ва зўравонликнинг барча шакллари олдини олиш, шунингдек уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш

2 

эксплуатация ва зўравонликка дучор бўлган болаларга зарур педагогик, психологик, тиббий, юридик ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар кўради



Ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.⁹

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.¹⁰

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг

9 Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 21-боби («Васийлик ва ҳомийлик»), Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низом.

10 Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасига қаранг.

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатда турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилишлари шарт. Шундай маълумотлар олинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

Давлат судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонунчиликда белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради.

Болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатмалар беришга ёки айбини тан олишга мажбурлаш тақиқланади. Судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамаси жараёнида болаларга нисбатан улар қонуний вакилларининг иштирокисиз амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда вояга етмаган шахсга нисбатан процессуал ҳаракатлар унинг катта ёшдаги яқин қариндоши, педагог ёки ушбу шахснинг бошқа қонуний вакили иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича судга қадар иш юритишнинг ва суд муҳокамасининг барча босқичларида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Боланинг ва унинг қонуний вакилларининг ҳимоячидан воз кечиши ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Қонунчиликда жиноят процессининг иштирокчилари бўлган болалар учун бошқа кафолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Давлат болаларни тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашни кафолатлайди, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.¹¹

11 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.



Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга, унинг манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Боланинг ота-онаси бўлмаганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ҳамда бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада яшаш ҳамда тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга. Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонунчиликда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт. Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва

уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оилага, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларида қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек, уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

Оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак.

Ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно. Порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намоиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда



фильмларни намоиш этиш тақиқланади.¹²

Бола фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Боланинг фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қонунда белгиланган тартибда чекланиши мумкин. Бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.¹³

Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳадя, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир. Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.¹⁴ Ҳарбирболаўзинингёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари,

12 Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари.

13 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 182-моддаси ва II-бўлими 16-боби («Хусусий мулк»).

14 Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси.

ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун - улар 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Давлат 18 ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа чораларни қўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.¹⁵ Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғи ҳамда эҳтиёжларига мос келадиган дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуққа эга.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўз қобилиятлари ҳамда имкониятларига мувофиқ боланинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги учун зарур турмуш шароитини таъминлайди. Болалар соғломлаштириш, спорт, ижодий ташкилотлари ҳамда дам олишни ва бўш вақтни уюштирувчи бошқа ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ давлат органлари томонидан таъсис этилади ва қўллаб-қувватланади. Ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонунчиликка мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

15 Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV-боби 2-параграфи («Ёшлар учун қўшимча кафолатлар»).

Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:



14 ёшдан катта ёшдаги бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Бола билан унинг ҳаётига, соғлиғи ва нормал ривожланишига зиён етказувчи ҳар қандай илмий тажриба ёки бошқа экспериментлар ўтказиш тақиқланади.

Давлат махсус чекловларни жорий этиш ва махсус профилактика дастурларини амалга ошириш орқали болани алкогольга мойилликдан, чекишдан, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддалар ва интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир кўрсатадиган бошқа моддаларни истеъмол қилишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради.¹⁶

Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Давлат боланинг бепул

16 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 19-моддалари.

мажбурий умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим олишини кафолатлайди.¹⁷

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради. Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Қонунчиликка мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонунчилик билан белгиланади.¹⁸

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг

17 Қўшимча маълумот учун қarang: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури.

18 Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг VI-бўлими («Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари»), Ўзбекистон Республикасининг «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низом.

шаъни ва қадр-қиммати камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади. Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:



Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган якка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган

бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонунчиликка мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.¹⁹ Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади. Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонунчилик билан белгиланади.²⁰

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонунчиликка мувофиқ рағбатлантиради.

Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат тарбия, даволаш-соғломлаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларига, ўрта махсус, таълим муассасаларига тарбияга берилган кундан эътиборан тўлиқ давлат таъминотида бўлади.

Тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш, уларни уй-жой, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш, улар таълим муассасаларини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмлари сотиб

19 Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси

20 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги ПФ-1657-сонли «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сонли «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарори билан тасдиқланган «Биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари тўплами билан текин таъминлаш тартиби», «Кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан таъминлаш тартиби» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларда мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сонли «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.



олиш учун нафақа тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ва ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонунчилик билан белгиланади.²¹

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.²²

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган

21 Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддаси.

22 Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 6-боби («Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш»).

таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.


Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонунчилик билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.



Назорат саволлари:

1. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тушунтириб беринг
2. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари ёритиб беринг.
3. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари мазмунини очиб беринг.
4. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ёритиб беринг.





УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонунчилик, яъни Меҳнат кодекси²³, жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Қонун ҳужжатларидагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек, ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан белгиланиши мумкин.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг шартлари, агар қонунда бошқа ҳолатлар кўрсатилмаган бўлса, бир тарафлама ўзгартирилиши мумкин эмас. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинмаган масалалар меҳнат тўғрисидаги шартнома тарафларининг келишуви асосида, ўзаро келишилмаган тақдирда эса, меҳнат низоларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи,


²³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 03.08.2021 й., 03/21/705/0742-сон, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон.

миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Бунга қуйидаги ишлар мажбурий меҳнатга кирмайди:





Меҳнат соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари амалга оширади.

Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни қўйидагилар амалга оширади:

- 1) шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари;
- 2) касаба уюшмалари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини текширишни қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳар бир ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриялари қонунчиликда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади. Бундан ташқари иш берувчи томонидан қонун ҳужжатларидан ташқари ҳолатларда ҳам ички локал ҳужжатларни белгиланган ҳолатда қўшимча мажбуриятларни белгилаши ҳам мумкин.

Ҳар бир ходимнинг ҳуқуқлари:



ўз меҳнати учун қонунчиликда меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш



муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار бериш орқали таъминланадиган дам олиш



хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш



касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш



иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш



касаба уюшмаларига ҳамда ходимлар ва меҳнат жамоаларининг манфаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш



қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш



ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш



жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини қувватлаш

Касаба уюшмаларининг ва улардаги сайлаб қўйиладиган органларнинг давлат ва ҳўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари қонун, уставлар, жамоа келишувлари ва шартномалари билан белгиланади.

Иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси ўз вакиллик органи



Иш берувчининг асосий ҳуқуқлари:



корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорла қабул қилиш



қонунчиликка мувофиқ яқка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш



меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш



ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар билан биргача жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш

орқали, ходимлар томонидан ваколат берилган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши эга.

Жамоа шартномалари корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади.

Жамоа шартномасининг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди.

Жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа шартлар, шу жумладан қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллари, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача таълим ташкилотларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Башарти амалдаги қонун ҳужжатларида норматив тусдаги

қоидалар жамоа шартномасида албатта мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган бўлса, бундай қоидалар жамоа шартномасига киритилади.

Жамоа шартномасига иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари



меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар



нархларнинг ўзгариб бориши, инфляция даражаси, жамоа шартномаси билан белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми



ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиб олиш шартлари



иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари



ходимларнинг, шу жумладан аёллар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш



корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш



ишни таълим билан қўшиб олиб боровчи ходимлар учун имтиёзлар



ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта



иш берувчи томонидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш миқдорлари ва муддатлари



жамоа шартномасининг бажарилишини текшириб бориш, тарафларнинг жавобгарлиги, ижтимоий шериклик, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига фаолият кўрсатиш учун тегишли шароит яратиб бериш



Жамоа шартномаси умумий йиғилишда иштирок этаётганларнинг 50 фоизидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, маъқулланган ҳисобланади.

Агар жамоа шартномасининг лойиҳаси маъқулланмаса, тарафларнинг вакиллари уни умумий йиғилишда билдирилган таклиф-истакларни эътиборга олган ҳолда ишлаб такомилга етказадилар ҳамда ўн беш кун ичида умумий йиғилиш муҳокамасига қайта тақдим этадилар.

Умумий йиғилишда маъқулланганидан кейин тарафларнинг вакиллари жамоа шартномасини 3 кун ичида имзолайдилар.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини тарафларнинг вакиллари, меҳнат жамоаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари текшириб борадилар.

Жамоа шартномасини имзолаган шахслар ҳар йили ёки шартноманинг ўзида махсус кўрсатилган муддатларда мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат жамоасининг умумий мажлисида ҳисобот бериб турадилар.

Текшириш олиб бориш вақтида тарафлар ўзларидаги бунинг учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг хусусиятларига қараб бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувлари тузилиши мумкин.

Жамоа келишувлари музокараларда иштирок этаётган тарафларнинг келишувига мувофиқ икки тарафлама ва уч тарафлама бўлиши мумкин. Келишувни тузиш вақтида учинчи тараф сифатида ижро этувчи ҳокимият органи иштирок этиши мумкин.

Касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари иш берувчи ёки иш берувчининг вакили бўлмаган ижро этувчи ҳокимият органидан улар билан икки тарафлама келишув тузишни талаб этишга ҳақли эмас.

Ҳудудий келишувлар тегишли касаба уюшмалари (ҳодимларнинг

бошқа вакиллик органлари) ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасида, тарафларнинг таклифига кўра эса маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳам тузилади.

Худудий келишувлар ҳудудларнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш шартларини белгилайди.

Жамоа келишувларини ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари Меҳнат Кодекснинг 32-моддасида назарда тутилган комиссия томонидан белгиланади ва унинг қарори билан расмийлаштирилади.

Ходимларнинг тегишли поғонадаги вакиллик органлари (уларнинг бирлашмалари) бир нечта бўлган тақдирда, ходимлар томонидан ажратиладиган комиссия аъзолари шу органлар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Жамоа келишувининг лойиҳаси комиссия томонидан ишлаб чиқилади ва келишув қатнашчиларининг ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланади.

Жамоа келишувларининг мазмуни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамоа келишувларининг мазмунини тарафлар ўзаро келишилган ҳолда белгилайдилар.

Жамоа келишувларида бошқа меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қонунчиликка зид келмайдиган қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар ваколат берган вакиллар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб турилади. Текшириш вақтида тарафлар бу иш учун керакли маълумотларни тақдим қилишлари шарт.

Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги



қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Жамоа келишувларида назарда тутилиши мумкин бўлган ҳолатлар



меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари ва уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби



нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига, келишувларда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми



энг кам миқдори қонунчиликда назарда тутиладиган компенсация тарзидаги қўшимча тўловлар



ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш



экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш



ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар



давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш



ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар



ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар

Меҳнат шартномасини тузиш ҳақидаги келишувдан олдин қўшимча ҳолатлар (танловдан ўтиш, лавозимга сайланиш ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ходим ўриндошлик асосида ишлаш тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузиши мумкин.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномаси тарафларининг келишуви билан қуйидагилар белгиланади:

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонун



ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Меҳнат шартномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунавий шартномани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада

тузилади ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномасида тарафларнинг манзиллари кўрсатилади. Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланиб, имзоланган муддати қайд этиб қўйилади. Мансабдор шахснинг имзоси имзонинг ҳақиқий ва ваколатли эканлигини таъкидлаш тариқасида корхона муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.

Меҳнат шартномаларининг муддатлари:



Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Муддатли меҳнат шартномалари:

- бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;
- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан,

корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан; қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун -улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш Меҳнат Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланади:



Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби билан иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди. Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бунда истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахс қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:



Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонунчиликда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Агар ишга кираётган шахснинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжати ҳақиқий бўлмаса, уни ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин.

Ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади. Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси қуйидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин:





Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ходимлар билан 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

Иш берувчи айрим тоифадаги ходимлар учун меҳнат шартларини ўзгартириш хусусида корхонадаги ходимларнинг вакиллик органлари билан олдиндан маслаҳатлашиб олади.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт. Кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходим билан меҳнат шартномаси у янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги сабабли бекор қилиниши мумкин, бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Кўпчилик ходимлар гуруҳи учун меҳнат шартлари ноқулай тарзда ўзгарган тақдирда, иш берувчи маҳаллий меҳнат органига бундай ўзгартиришларнинг сабаби ҳақида маълумот бериши шарт.

Ходим иш берувчи томонидан меҳнат шартлари

ўзгартирилганлиги устидан судга шикоят қилишга ҳақли. Низони кўриш вақтида иш берувчининг зиммасига аввалги меҳнат шартларини сақлаб қолиш имконияти йўқлигини исботлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган иш жойини ўзгартириш меҳнат шартларини ўзгартириш деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим билан келишиш талаб қилинмайди.

Бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) — унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин.

Агар объектив сабабларга кўра (Меҳнат кодекси 100-модда иккинчи қисмининг 1, 2 ва 6-бандлари ва 106-модданинг 2-банди) меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган меҳнат вазифаси доирасида ишни давом эттириш мумкин бўлмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Бошқа ишга ўтказиш муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби



жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимларнинг соғлиғи ҳолатига кўра вақтинча енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш, шунингдек ҳомиладор аёлларни ва икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни вақтинча ана шундай ишга ўтказиш Меҳнат Кодекснинг 218, 226 ва 227-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:



Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса, ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Тарафлар келишуви бўйича белгиланган огоҳлантириш муддати давомида ходим берган аризани қайтариб олишга ҳақлидир. Агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга эса йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақидаги ариза у ўз ишини давом эттиришининг имкони йўқлиги (ўқув юртига қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги ва бошқа ҳоллар) билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

Муддатли меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан муддатидан олдин бекор қилинганда Меҳнат Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда ходимнинг неустойка тўлаши белгилаб қўйилиши мумкин.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.



Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг сабаблари:



технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги



ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши



ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга ҳилоф ноҳўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади



ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги. Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ноҳўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади



ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги




корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди



ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонунчиликка мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишлар қуйидагилар билан белгиланади.



Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътиллarda бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

Меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:





Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади. Охирги иш куни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари Меҳнат Кодекснинг 87, 89, 97, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа норматив ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, Меҳнат Кодекснинг ёхуд бошқа норматив ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан унинг касаллиги, ногиронлиги, ёшга доир пенсияга чиқиши, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юрти ёхуд таянч докторантурага ёки докторантурага қабул қилиниши ва қонунчиликка кўра муайян имтиёзлар ва афзалликлар бериладиган бошқа сабаблар туфайли бекор қилинганда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда шу сабаблар кўрсатилади.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим.

Низони кўриш вақтида иш берувчига меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки ходимни бошқа ишга ўтказишнинг асослилигини исботлаб бериш масъулияти юклатилади.

Агар жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилиги олинган-олинмаганлигини аниқлайди.

Ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Зарарни қоплаш:



Маънавий зарар учун тўланадиган компенсациянинг миқдори иш берувчининг хатти-ҳаракатига берилган баҳони ҳисобга олиб, суд томонидан белгиланади, лекин бу миқдор ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимнинг илтимосига кўра суд ишга тиклаш ўрнига унинг фойдасига камида уч ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ ундириб бериши мумкин.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар учун Меҳнат Кодекснинг 274-моддасида назарда тутилган тартибда моддий жавобгар бўладилар. Ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди.

Алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди.



Ходим мажбурий тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли.

Ходим ишдан четлаштирилган даврда унга иш ҳақи ҳисобланмайди. Ходим иш берувчининг айби билан ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда Меҳнат Кодекснинг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидагилар учун белгиланади:



Юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим тоифадаги ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Бундай ходимлар рўйхати ва улар иш вақтининг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади. Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашилиши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади. Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари (Меҳнат кодекси 131-модда)



арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Ходимларни тунги вақтдаги ишга жалб этиш Меҳнат Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин.

Иш сменасининг муддати ўн икки соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишга жалб этиш Меҳнат Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш Меҳнат Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади. Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига 2 кун давомида 4 соатдан (меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда - бир кунда 2 соатдан) ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақтини, шу

жумладан иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир.

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан иш куни (смена) давомида бошқа танаффуслар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Ишнинг тугаши билан кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Барча ходимларга дам олиш кунлари (ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада 2 дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, 1 дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни якшанбадир.

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш Меҳнат



Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Дам олиш кунларида бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўлаш Меҳнат Кодекснинг 157-моддасига биноан амалга оширилади.

Қуйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

- 1 январь — Янги йил;
- 8 март — Хотин-қизлар куни;
- 21 март — Наврўз байрами;
- 9 май — Хотира ва қадрлаш куни;
- 1 сентябрь — Мустақиллик куни;
- 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;
- 8 декабрь — Конституция куни;
- Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;
- Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлаш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина Меҳнат Кодекснинг 130-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ишлаб чиқариш-техника шароитлари ва бошқа шароитларга (узлуксиз ишлайдиган корхоналар, объектларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кабиларга) кўра ишни тўхтатиб туриш мумкин бўлмаган жойларда, аҳолига хизмат кўрсатиш зарурати бўлган ишларда, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ва юк ортиш-тушириш ишларида байрам (ишланмайдиган) кунлари ишлашга йўл қўйилади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари бажарилган ишлар учун компенсация ва ҳақ тўлаш Меҳнат Кодекснинг 157-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Ходимларга 15 иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади.

Қуйидагиларга уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил берилади:

- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга — 30 календарь кун;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига — 30 календарь кун.

Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, қонунчиликка мувофиқ узайтирилган таътиллار белгиланади.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа норматив ҳужжатларда белгиланганидан ташқари, меҳнат шартномасининг шартларида ҳам узайтирилган йиллик таътиллار бериш назарда тутилиши мумкин.





Йиллик таътилнинг умумий муддатини ҳисоблаб чиқаришда қўшимча таътиллار йиллик асосий таътилга (шу жумладан узайтирилган таътилга ҳам) қўшиб жамланади.

Барча ҳолларда қонунчилик билан белгиланган таътилларни жамлашда уларнинг умумий муддати қирқ саккиз иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Таътиллار муддатини ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига қўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календарь кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб яхлитланади, ўн беш календарь кундан ками эса чиқариб ташланади.

Йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун 6 ой ишлангандан кейин берилади. Иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади. Таътил қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан олдин берилади:

- ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- ўриндошлик асосида ишлаётганларга - асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларида, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларида ўқиётганларга, агар улар ўзларининг йиллик таътилларини имтиҳонлар, синовлар (зачётлар) топшириш, диплом, курс, лаборатория ва бошқа ўқув ишларини бажариш вақтига тўғрилаб олишни хоҳласалар;
- технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги

ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга (Меҳнат кодексининг 100-модда иккинчи қисмининг 1-банди).

Мактаблар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар ҳақиқий ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш тусидаги сабабларга кўра жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилнинг ўн икки иш кунидан ортиқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин, шу йили ундан албатта фойдаланилмоғи лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилни, шунингдек Меҳнат Кодекснинг 137-моддасида кўрсатилган йиллик қўшимча таътиллари бермаслик тақиқланади.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллار жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади.

Йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Ходимнинг хоҳишига кўра унинг ёзма аризаси асосида таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг бир қисми ўн икки иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади. Шу муносабат билан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ходимга мазкур иш йили давомида бошқа вақтда берилиши ёки Меҳнат Кодекснинг 143-моддаси бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган талабларга риоя қилган ҳолда кейинги иш йилининг таътилига қўшиб қўйилиши керак.

Ходимлар қуйидаги ижтимоий таътиллار олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:



Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллари учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг Меҳнат Кодекснинг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (15 иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий таътиллarning барча турларидан, шунингдек Меҳнат Кодекснинг 137 ва 138-моддаларида назарда тутилган

қўшимча таътиллاردан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди. Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонунчиликда Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорида қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (Меҳнат кодекси 157, 158-моддалар), шунингдек район коэффициентлари (Меҳнат кодекси 153-модда) қўшилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг



келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кундаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Тунги вақтдаги (Меҳнат кодекси 122-модданинг биринчи қисми) ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим барабар миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, кечки сменадаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин. Бевосита тунги сменадан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек, меҳнатга қобилиятсизлиги туфайли вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган шахсларга берилади.

Умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Ходимнинг розилигидан қатъий назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳолатлар



Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;



суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;



иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади.



ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси Меҳнат Кодекс 89-моддасининг тўртинчи қисмида, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандлари, 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди.



ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса.



Меҳнат Кодекснинг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.



Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда жазо ва алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлик учун ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори 70 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади. Ходим ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкани авайлаб асраши шарт.

Ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизомтўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Иш берувчи ходимлар меҳнاتини ташкил қилиши, қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, Меҳнат Кодексига мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига


кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади.

Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин. Иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар ва меҳнат ҳақи тизимида назарда тутилган бошқа тўловлар рағбатлантириш турларига кирмайди.

Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида (Меҳнат кодекси 183-модда) ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди.

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:





Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (Меҳнат кодекси 82-модда). Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан

олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жабрланувчининг йиллик иш ҳақидан, ходимнинг вафоти муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори эса, марҳумнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.



Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнاتини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнاتини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (Меҳнат кодекси 119-модда) белгилашга мажбурдир.

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин элик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг

хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллاردан боланинг отаси, бувиси, буvasи ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллار меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимлар диплом лойиҳасини(ишини)бажаришёкибитирувимтиҳонларитопширишдан олдинги ўн ўқув ойи давомида машғулотларга тайёргарлик кўриш учун олти кунлик иш ҳафтаси бўлганда ҳафтада бир кун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этиладилар. Иш ҳафтаси беш кунлик бўлса, ишдан озод этиладиган кунлар миқдори иш сменасининг муддатига қараб ўзгаради, ишдан озод этиладиган соатлар миқдори эса сақланиб қолади.



Ишлаб чиқариш ёки педагогик фаолиятни илмий иш билан бирга қўшиб олиб бораётган шахсларга докторлик диссертациясини яқунлаш, шунингдек дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун асосий иш жойида ўртача ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда ижодий таътиллار берилади.

Якка меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби Меҳнат Кодекс билан тартибга солинади, меҳнат низоларига доир ишларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиш тартиби эса, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланади.

Судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиш учун қуйидаги муддатлар белгиланади:

- ишга тиклаш низолари бўйича - ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб 1 ой;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича - зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб 1 йил;
- бошқа меҳнат низолари бўйича - ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб 1 ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда уни ишга тиклаш, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган

тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган барча вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида тегишинча ажрим ёки қарор чиқаради. Агар ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равишда ижро эттиришни сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорининг ижроси кечиктирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий прогул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Меҳнат низоларини кўрувчи органнинг ходимга 3 ойдан кўп бўлмаган муддат учун иш ҳақини тўлаш тўғрисидаги қарори ҳам дарҳол ижро этилиши лозим.

Иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган, шу жумладан қонунни нотўғри қўлланиш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно.

Ходимга у берган ёлғон маълумотлари ёки тақдим этган сохта ҳужжатлари оқибатида тўланган суммалар ундан суднинг қарори ёки ҳукми асосида ундириб олинади.


Ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар - 60 ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма беш йилдан кам бўлмаган тақдирда, аёллар — 55 ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади.

Пенсия суғурта қилинган ходимларнинг айрим тоифаларига пенсия ёши кам бўлганда, тегишли ҳолларда эса меҳнат стажи кам бўлганда ҳам тайинланади.



Назорат саволлари:

1. Жамоа шартномалари ва келишувлари фарқини ва аҳамитяини изоҳлаб беринг.
2. Меҳнат шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартибларини тушунтиринг.
3. Меҳнат шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш қилиш тартибини ёритиб беринг.
4. Иш вақти ва дам олиш вақти, таътилнинг хусусиятларини очиб беринг.
5. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнат интизомидаги тартибларни тушунтириб беринг.



**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ**



ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шароитлар яратилди.

Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган этиб Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Рақамли технологиялар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда транспорт воситаларига давлат рақам белгиларини бериш, нотариат ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш, хусусан таълимда хизмат кўсатиш, ер участкаларини ажратиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш каби кўплаб соҳаларда коррупция ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга қаратилган самарали механизмлар жорий этилмоқда.²⁴

24 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон

Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонуни²⁵ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида қонун ҳужжатларида энг асосий тушунчалар қўлланилади. Мазкур тушунчалар мазкур соҳада объект ва субъект фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларга оид тушунчаларни белгилайди ва ҳар бир тушунчанинг мазмунини очиқ беради.


Бунда тушунчаларни тўғри қўлланилиши қонун ҳужжатларни талқин этиш жараёнларига аниқлик киритишга хизмат қилади. Хусусан коррупция деганда шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик эса коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмишдир.

Бундан ташқари давлат ҳокимияти бошқарувида манфаатлар тўқнашуви ҳам бевосита коррупция ҳолатларини келтириб чиқариш сабаб бўлувчи омиллардан ҳисобланади. Манфаатлар тўқнашуви нимани англатади? Манфаатлар тўқнашуви бу шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

25 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари мавжуд.
Булар қуйидагилардан иборат:



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин. Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар қонунчиликдаги қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб

чиқилади ҳамда амалга оширилади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Қонунчиликда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонунчиликка риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.



Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар



давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш



коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш



давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик



давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш



давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш



давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш



давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш



давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқирилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш



давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилатган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш



норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш



давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:




Қонунчиликда маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини

олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

Қонунчиликда давлат харидларини амалга ошириш соҳасида



коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:



Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Қонунчиликда назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар хизмат сирини ташкил этади ҳамда фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва шахснинг ўзининг, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи орган раҳбарининг ёзма рухсати асосида ошкор этилади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларнинг ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг ҳаётига ва соғлиғига ҳақиқий таҳдидни, уларга нисбатан зўрлик ишлатилганлигини, уларнинг мол-мулки йўқ қилинганлигини ёки шикастлантирилганлигини тасдиқловчи етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, коррупцияга қарши курашишни амалга оширувчи органлар «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг



бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ уларни ҳимоя қилиш бўйича зарур чоралар кўриши шарт.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларнинг ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилганлиги сабабли тажовуз қилишга, шунингдек, иш берувчи томонидан уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмайди ҳамда бу қонунга кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилувчи шахсларни рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборотни хабар қилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар бундай ҳуқуқбузарлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланиши лозим.

Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари,

шунингдек, фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни, унинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек, мазкур фаолиятга жалб этилган ижтимоий гуруҳларни аниқлаш мақсадида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланиш йўли билан жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ўз ичига олади.

Махсус тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жиноятчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни ўз ичига олади.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.

Ҳар ким давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коррупция билан боғлиқ бўлган, жамият учун аҳамиятга молик воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги хабарларни



қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

Илмий ташкилотлар — олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда жисмоний шахслар - мустақил экспертларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш ҳуқуқи берилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ҳамда мустақил экспертизадан ўтказиш Қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилган жисмоний шахслар томонидан, уларнинг ўз маблағлари ва (ёки) буюртмачилар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши илмий ва мустақил экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тузилган хулосалар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий кўриб чиқилади ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тузилган маълумотнома экспертиза ўтказган шахслар ва Адлия вазирлигига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон зюни²⁶ қабул қилинган.

Ушбу фармонга асосан коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш ва унга қарши аёвсиз курашиш барча даражадаги давлат органлари раҳбар ва ходимларининг энг устувор вазифаси этиб белгиланган.


Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида

26 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон

мамлакат ривожланишининг бугунги босқичида коррупция Ўзбекистон давлати ва жамияти тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлиги қайд этилган.

Кенг жамоатчиликнинг фикри ва таклифларини инобатга олиб, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш мақсадида «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» юритилиши таъминланган.

Реестрга киритилган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:



Давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилади.

Давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисоб рақамлар очиб ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади (хорижда ишлаётган давлат хизматчилари ва давлат хизматига киришдан олдин олинган мол-мулк бундан мустасно).



Қонунчилик ҳужжатларида кўрсатилган лавозимни эгаллаб турган шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаати мансаб (хизмат) мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки шундай таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар манфаатлар тўқнашуви ҳисобланади ҳамда бундай вазиятларни ошкор қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора кўрмаганлик ўрнатилган тартибда жавобгарликни келтириб чиқаради.

Коррупцияга қарши курашиш агентликка манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатлар аниқланганда, шартнома, буйруқ ва бошқа ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида тақдимнома ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво киритиш ваколати берилган.


Давлат харидларида рақобатли савдо турларини чекловчи тўғридан-тўғри шартномалар, инвестициявий, давлат-хусусий шериклик, хусусийлаштириш ва бошқа битимларни тузишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ташаббус билан чиқиш қатъиян тақиқланади.



Назорат саволлари:

1. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларини очиб беринг.
2. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар мазмуни моҳиятини тушунтиринг.
3. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар нималардан иборат.
4. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни тушунтиринг.
5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирларни изоҳланг.

6



**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СОҲАСИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ
ЮКСАЛТИРИШ, УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА
ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР, КОРРУПЦИЯГА ОИД
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРГА
ЧЕК ҚЎЙИШ**

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ, УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР, КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИШ

Ҳар бир таълим муассасаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, уни олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш бўйича дастур қабул қилишади. Бунда коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд коррупция хавфи ва унга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан шаклланган ижобий тажриба ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

Коррупцияга қарши курашишдаги асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:



Ҳар бир таълим муассасаси ташкилот фаолиятида коррупцияга қарши кураш юзасидан дастурини ишлаб чиқади. Дастур коррупция ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни ҳар томонлама олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

Дастур²⁷ деганда бу таълим муассасасининг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

Дастурнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларга, шу жумладан ўқувчилар, ўқувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

Ишга ёки ўқишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Дастур билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

Дастурда асосий тушунчалар ва атамалар бўлиши керак. Мазкур тушунча ва атамалар мазкур соҳада объект ва субъект фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларга оид тушунчаларни белгилайди ва ҳар бир тушунчанинг мазмунини очиб беради.

Бунда тушунча ва атамаларнинг тўғри қўлланилиши қонун ҳужжатларни талқин этиш жараёнларига аниқлик киритишга хизмат қилади.

Хусусан мансабдор шахс — вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган таълим муассасида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс тушунилади. Ёки ходим – меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига

27 Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2020 йил 26 июндаги 6-сон қарори билан тасдиқланган Тошкент давлат юридик университетининг коррупцияга қарши курашиш Дастури (сиёсати)



эга бўлмаган бошқа шахслардир.

Шунингдек, яқин қариндошлар бўйича ҳам аниқ тушунчалар очиб берилиши лозим.

Бунда яқин қариндошларга ота-она, туғишган ва ўғай ака-укалар ва опа-сингиллар, эр (хотин), фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, неваралар, шунингдек, эрнинг (хотиннинг) ота-онаси киради.

Контрагент ҳам ташкилот вакиллари учун меҳнат муносабатларидан ташқари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсдир.

Аризачи бу коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бериш учун бевосита ўзи ёки алоқа каналлари орқали т раҳбарияи ёки Коррупцияга қарши курашиш комиссиясига мурожаат қилаётган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари ходимлар фаолияти давомида уларнинг манфаатлари юзасидан ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.

Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловларлар ижтимоий ҳаётимизда авж олган.

Бу белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик нормалари ва қоидаларида назарда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа моддий ёки номоддий наф билан изоҳланади.

Ходимнинг шахсий манфаатдорлиги эса ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қимматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш

имкониятидир (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорат ёки нотижорат манфаатлари).

Коррупцияга қарши курашиш тизими қуйидаги тамойилларга асосланади:

- ◆ қонунийлик – коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;
- ◆ фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги – коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларда, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлари ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади;
- ◆ коррупцияга тоқатсизлик – ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Ходим, ўқувчиларнинг коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этишлари тақиқланади;
- ◆ очиқлик ва шаффофлик – тизимда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида ходимлар, ўқувчилар ва контрагентлар ҳамда кенг жамоатчиликни доимий хабардор қилиб боради;
- ◆ коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг превентивлиги – барча таркибий бўлинмалари коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларни сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради;
- ◆ коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги – коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган ходимлар, ўқувчилар ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар ички ҳужжатлар ва амалдаги



- қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;
- ◆ техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;
 - ◆ тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – ҳар бир ходим, шунингдек ўқувчи содир этилган ёки содир этилаётган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз директорга мурожаат қилиши мумкин;
 - ◆ фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида бажариб, фуқаролик жамияти вакиллари жалб этган ҳолда ўзаро ҳамкорлик қилади;
 - ◆ коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш – коррупциявий хавф-хатарларни ўрганиш, коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш натижаларига кўра коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

Коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилига таянган ҳолда барча ходим, ўқувчи коррупция билан боғлиқ ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкый тусдаги хизматларни беришни талаб қилиши ёки бериши, товламачилик қилиш, ваъда бериш, пора олиш ва бериш, пора олиш ва (ёки) беришда воситачилик қилиш, шунингдек ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланишлари қатъиян тақиқланади.

Қуйидагилар коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

Коррупцияга қарши курашиш Дастури;
локал ҳужжатларда акс эттирилган тамойиллар ва талаблар ташкил этади.

Таълим муассаса раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш самарали тизимини яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчилиكنи намоёиш этадилар:

хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш дастури/йўл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш; ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, ходим, ўқувчиларда коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш;

таълим муассасалари функцияларининг хусусияти, ташкилий тузилмаси, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро фаолият олиб боришига ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ўз фаолиятига хос бўлган коррупциявий хавф-хатарларни аниқлайди ва баҳолайди;

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида таълим муассасалари фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади;

таълим муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарларни юзага келиш эҳтимоли ва таъсир қилиш даражасидан қатъи назар уларни назорат қилади ва бошқаради;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилига камида бир маротаба амалга оширилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари таълим муассасалари раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади ҳамда уларнинг Кенгашларида муҳокама қилинади.



Аниқланган хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади;

таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида коррупцияга қарши курашишни шакллантириш ва назорат қилиш жараёни учун масъул бўлган алоҳида ўз фаолиятини жамоатчилик асосида ташкил этувчи коллегиял орган ҳисобланган – Коррупцияга қарши курашиш бўйича Комиссияси ташкил этилади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун таълим муассасаларида рухсат этилган лавозимларга коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштириш функцияси юклатилиши мумкин;

таълим муассасалари коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради, шу билан бирга, ўзига юклатилган вазифалар доирасида

Комиссия билан ҳамкорлик қилади;

Комиссия коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, ходим, педагог ўқувчилар ўртасида манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги келиб тушган мурожаат ва маълумотларни кўриб чиқади ва уларни ҳал қилиш бўйича зарур чоралар кўради;

манфаатлар тўқнашувини бошқариш доирасида таълим муассасаларнинг коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирувчилари ва Комиссия мазкур Дастур, ходим, педагог ўқувчи томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш тўғрисида қонунчилик ва бошқа локал ҳужжатлар асосида иш юритади;

таълим муассасалари коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, ходим, педагоглар, ўқувчилар учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;


амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар таълим муассасаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ва йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

таълим муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва уларга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, Дастур ва таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайтларига жойлаштирилади.

Юқорида келтирилган элементлар коррупцияга қарши курашнинг дастлабки амалга оширадиган ҳаркатлар бўлиб, бунда ушбу элементларга бошқа ёрдамчи равишда бошқа ҳаркатлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бу эса ҳар бир элементни амалга оширишда бошқарувда раҳбардан иш жараёнида коррупцияга қарши курашишда комплекс равишда ёндошиш талаб этилади.

Бундан ташқари, таълим муассасалари коррупцияга қарши курашишда амалдаги қонун ҳужжатлари норма, тамойил ва талаблари юзасидан хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширади:





Мониторинг ва назорат қилишнинг тартиб-таомиллари



ўқув жараёнининг барча босқичларида, айниқса имтиҳонлар ўтказишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, ўқитувчилар томонидан ўқувчиларлар ишларини баҳолашнинг аниқ мезонларини белгалаш



самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида таркибий бўлинмалар фаолиятларини мониторинг қилиш



текширувларни (ишчи гуруҳларга аъзолик ёки эксперт сифатида жалб қилинганлик) ўтказиш жараёнида таълим муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш



коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш



Дастурга амал қилиш ва таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларига риоя қилиш ҳар бир ходим, талаба, ўқувчи учун мажбурийдир. Улар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларнинг бузганлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар



коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган таълим муассасалари ходим, ўқувчилари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар



Дастур талабларини бузган таълим муассасалари ходимларига нисбатан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўрилади



ходим, ўқувчилар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тўғрисида, шунингдек бошқалар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида ўз раҳбарларига ёки Комиссияга хабар беришлари шарт



таълим муассасалари тизимида ходим, ўқувчиларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари ўтказилади



коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда таълим муассасалари уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиладилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштирадилар



таълим муассасалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар

Комиссия таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича таълимда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.

Шунингдек, Комиссия ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг функционал вазифларини амалга ошириш фаолиятларини тўғри амалга оширишга хизмат қилади.

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат ва мониторингини мунтазам амалга ошириш. Комиссиясининг зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Таълим муассасалари ходим, педагог, ўқувчиларнинг хизмат ва ўқиш мажбуриятларини бажариш ва (ёки) таълим муассасаси манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатлари йўлида ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) таълим муассасасининг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Таълим муассасалари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни мазкур Дастур қоидалари ёки таълим муассасаларининг локал ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Таълим муассасалари ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида педагог, ўқувчи жисмоний ва юридик шахслардан ноқонуний тарзда бирон-бир совғалар (шу жумладан туғилган кун муносабати билан совға, гул ва ҳоказо), шунингдек иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари (мисол учун, имтиҳон даврида ва бошқа пайтларда тушлик ва кечки овқатларни ташкил этиш), қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш



Комиссиянинг ҳуқуқлари



ўз ваколатлари доирасида барча учун ижро этилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш



барчадан Комиссия ваколатига тааллуқли бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраб олиш



коррупцияга қарши курашиш бўйича Дастур ижро этилишини, Комиссиянинг кўрсатма ва топшириқларини бажарилишини назорат қилиш



коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилот фаолиятини такомиллаштириш юзасидан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиш



раҳбариятга коррупцияга қарши курашиш соҳасида таклиф ва тавсияларни мунтазам киритиб бориш



ташкилот фаолиятига тааллуқли қабул қилинаётган ҳар қандай ички локал ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш



коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширишда иштирок этувчи масъулларининг ҳисоботларини эшитиш



Комиссия фаолиятининг муҳим масалалари юзасидан ўрганишлар ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш учун ишчи комиссия ёхуд экспертлар гуруҳларини тузиш, шунингдек ушбу комиссиялар ва гуруҳлар ишига мутахассисларни жалб этиш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш



коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш, коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар берган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш



коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар бериш тизимини электронлаштириш



коррупцияга қарши курашиш соҳасида ваколатли давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш



коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги, таъмагирлик, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш ёки ушбу дастурда белгиланган қоида ва талабларнинг бузилишига оид маълумотлар юзасидан хизмат текширувлари ўтказиш, улар натижаси бўйича айбдорларга нисбатан тегишли интизомий чоралар қўллаш бўйича таклифлар киритиш



ариза ва шикоятларни ўрганиш мақсадида ходимлардан тушунтиришлар олиш



қонун ҳужжатлари ва ички тартиб қоидаларни бузган ходимларни тегишли турдаги жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритиш



қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш

Комиссиянинг мажбурияти



Дастурнинг самарали ижро этилишини таъминлаш



Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг коррупцияга қарши курашишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш бўйича қабул қилинган қарорлари, ушбу йўналишдаги ташкилот буйруқлари ва кўрсатмалари ижро этилишини ташкил этиш



аризачи ва бошқа шахслардан олинган хабарлардан фойдаланишда конфиденциаллик ва хавфсизликни таъминлаш



келиб тушган коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хабарни қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган ҳолатлардан ташқари тўлиқ, ҳар томонлама, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш



коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ҳар қандай жисмоний шахсни таъқиб қилинмаслиги чораларини таъминлаш



коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақидаги хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари юзасидан аризачига ахборот бериш



коррупция факти тасдиқланган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли ишларни амалга ошириш ҳамда таъсир чораларини қўллаш



расмий саналар ва байрамларда таркибий бўлинма раҳбарлари ва ходимлари томонидан совғалар ва пул кўринишдаги ҳар қандай моддий ва номоддий (илтимос ёки шахсий ташаббус билан бирор хизмат кўрсатиш) наф олиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш

воситаларини, нақд ёки нақдсиз пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилишлари тақиқланади. Таълим муассасалари ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, тадбирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъи назар таълим муассасасининг мулкига ўтказилади.

Таълим муассасалари ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳоказо)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:



Шу билан талаба, ўқувчилардан ҳар қандай турдаги совға қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда таълим муассасаси ходими Комиссияга маслаҳат сўраб мурожаат қилиши мумкин.

Таълим муассасалари ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Дастурнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

Таълим муассасаларида уларнинг раҳбарларини мукофотлашга асос бўлиб хизмат қиладиган, улар фаолиятининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари жорий этилади. Ушбу кўрсаткичлар холис, ошкора ҳамда таълим муассасалари ходимлари

томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Таълим муассасалари Дастурнинг тамойиллари ва талабларига зид бўлган ҳар қандай тўловлар ва (ёки) шу каби коррупциявий хавф-хатарларни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун маҳсулот етказиб берувчиларни, пудратчиларни ва бошқа учинчи томонларни жалб қилмайдилар.

Таълим муассасалари контрагентлар билан муносабатларда ўз фаолиятини амалга оширишда қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қиладилар. Таълим муассасалари танлашнинг холис мезонларидан фойдаланишга асосланган, маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлаб олишнинг ҳаққоний ва очиқ жараёнини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва сотиб олинадиган маҳсулотнинг муассасаларнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинадиган баҳосини аниқлашнинг шаффоф тартибини таъминлайдилар.

Таълим муассасалари контрагент билан ўзаро ҳамкорлигида эҳтимоли юқори бўлган контрагентнинг ишончлилигини, шужумладан, ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари доирасида таълим тизими ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини текширадилар.

Таълим муассасалари қонунда назарда тутилган ҳолларда хайрия ва ҳомийликни қабул қилишлари мумкин. Бундай ёрдамни олган пайтда таълим муассасалари манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни қонунда ва (ёки) шартномада белгиланган мақсадлар учун самарали сарфланишини таъминлаш, шунингдек, Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида бу жараёнларини ёритиб бериш чоралари кўрилади.

Таълим муассасалари томонидан таълим бериш жараёнини назорат қилиш учун маъруза ҳамда амалий машғулот (семинар) лар ўтказиладиган хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади.



Таълим муассасалари расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимларни ишга қабул қилиш, уларни синовдан ўтказиш, якуний давлат аттестацияси, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

Таълим муассасаларида ҳар қандай коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга қизиқтиришга бўлган уринишлар ёки уларга шу ҳақда маълум бўлган фактлар ҳақида хабар бериш тартиби ходим, талаба, ўқувчилар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш тўғрисида Низом қоидалари билан белгиланади. Дастур қўйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқирилиши ва тузатирилиши керак:


- коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;
- коррупцияга қарши курашишда самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ҳамда таълим муассасалари фаолиятида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;
- таълим тизимининг ташкилий тузилмаси ва (ёки) унинг муассасалари томонидан ўз вазифаларини бажариши хусусиятлари ўзгарганда ва бошқалар.



Назорат саволлари:

1. Коррупцияга қарши курашишдаги асосий мақсадларини очиб беринг.
2. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ёритиб беринг.
3. Таълим муассасалари коррупцияга қарши курашишда амалдаги қонун ҳужжатлари норма, тамойил ва талаблари юзасидан хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қайси хатти-ҳаракатларни амалга оширади?
4. Коррупцияга қарши курашиш комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
5. Коррупцияга қарши курашиш дастурини тузатишлар киритиш жараёнларини тушунтиринг.





УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР

Фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилса, томонларнинг барча мажбуриятлари - ижрочининг буюртмачига муайян хизматларни кўрсатиши ёки маълум ишларни бажаришидан иборат бўлади. Ўзаро муносабатларнинг бундай шакли биринчи навбатда буюртмачи учун манфаатли ҳисобланади. Бунда Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳеч қандай мажбуриятларга эга бўлмайди, хусусан, касаллик варақалари, меҳнат таътили учун ҳақ тўламайди, шартнома бекор қилинган тақдирда иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этмайди ва ҳоказо. Бироқ баъзан ички меҳнат қоидаларига риоя қилиш бўйича мажбуриятларни олишни истамаган мутахассис шартнома ташаббускорига айланиши ҳам мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани буюртмачиларнинг чекланмаган миқдори билан тузиш мумкин.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш тавсия этилади. Шартнома мажбурий тартибда қуйидаги шартларни ўзи ичига олиши керак:

- ижрочига қўйиладиган аниқ талаблар;
- кўрсатилган хизматлар учун буюртмачи томонидан ижрочига тўланиши керак бўлган сумма;
- бажарилган ишни қабул қилиш-топшириш шартлари;
- томонларнинг шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари;
- шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ҳолатлари ва оқибатлари.

Кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузиш билан

юристар эмас, балки кадрлар бўлими мутахассиси шуғулланади, бу эса атамалардан фойдаланишда хатога йўл қўйилишига олиб келади. Пировардида ушбу хато фуқаролик-ҳуқуқий шартномани меҳнат шартномаси деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

Кўпгина ташкилотларнинг аянчли оқибатларга олиб келадиган энг кенг тарқалган хатолари бу фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар матнида меҳнат ҳуқуқи атамаларидан фойдаланишидир. Масалан, кўпинча эътиборсизлик ёки бошқа сабаблар туфайли фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларда томонлар «буюртмачи» ўрнига «иш берувчи», «ижрочи» ўрнига – «ходим» сўзларидан фойдаланишади ва ушбу муносабатларнинг субъектлари «ходим» ва «иш берувчи» ҳисобланади. «Пировард натижа учун тўланадиган бажарилган иш (кўрсатилган хизматлар) учун ҳақ» ёки «шартнома нархи» сўз бирикмаси ўрнига кўпчилик «иш ҳақи» сўз бирикмасидан фойдаланади.

Шартнома матнида ва уни ижро этиш жараёнида Меҳнат кодекси томонидан меҳнат шартномасининг мажбурий шартлари жумласига киритилган шартлар сақланмаслиги керак:

- иш жойи (таркибий тузилма кўрсатилган ҳолда),
- штат жадвалига мувофиқ лавозимда, малака кўрсатилган ҳолда касб, мутахассислик бўйича ишлаш,
- ишнинг бошланиш санаси,
- меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари (тариф ставкаси ёки маош миқдори, қўшимча тўловлар, устама ва рағбатлантирувчи тўловлар),
- меҳнат ва дам олиш режими,
- фуқарони мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тўғрисидаги шарт ва бошқалар.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузишда ишга қабул қилиш тўғрисида ариза, буйруқ расмийлаштириш, шунингдек меҳнат дафтарчасига ёзув киритиш талаб этилмайди.²⁸

Меҳнат шартномаси - ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ҳақ эвазига бажариш

28 https://www.norma.uz/uz/kompaniya_yangiliklari/fuqarolik-uquqiy_shartnomani_qanday_tugrituzish_mumkin



ҳақидаги келишувдир. Бунда ижрочи тарафлар келишуви, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган ички меҳнат тартибига бўйсунити шарт. Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар.

Шахс штатга киритилганидан эътиборан, айнан – у билан меҳнат шартномаси тузилгандан, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилган, ишга қўйилгандан кейин ташкилот ходимига айланади. Бинобарин, штатдаги ходимлар деганда ташкилот меҳнат шартномаси тузган ходимлар тушунилади.

“Штатдан ташқари ходим” тушунчаси қонунчиликда мавжуд эмас. Амалиётда бундай шахсларни муайян ишни бажариш ёки муайян хизматлар кўрсатиш учун ёллашади. Шу боис улар билан меҳнат шартномаси эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартнома (пудрат, хизмат кўрсатиш ва ҳ.к.) тузилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартнома – бу иккита ёки бир нечта шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрнатиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувдир.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар:

- жисмоний шахслар ўртасида;
- юридик шахслар ўртасида;
- жисмоний шахс (шахслар) ва юридик шахс (шахслар) ўртасида тузилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар Фуқаролик кодексига мувофиқ тузилади, унинг шартлари амалдаги фуқаролик қонунчилигига зид бўлмаслиги керак.

Меҳнат шартномасининг асосий фарқ қиладиган белгиси бу ишга муайян лавозим ёки касб (штат жадвалига мувофиқ) бўйича қабул қилиш. Яъни меҳнат шартномасининг хусусияти шундан иборатки, ходим:

- меҳнат жамоаси таркибига киритилади, унга меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва корхонада ўрнатилган меҳнат шароитлари татбиқ этилади;

- меҳнат функциясини шахсан ўзи, ўзининг меҳнати билан амалга оширади, сабаби юзага келадиган муносабатлар айнан унинг муайян меҳнат фаолияти турига қобилиятини қўллаш билан боғланган;
- ташкилотда ўрнатилган ички меҳнат тартиби қоидаларига, меҳнат режимиға, унинг ишиға тааллуқли иш берувчининг кўрсатмаларига ва ҳ.к.ға бўйсуниши шарт. Ходим маъмуриятнинг меҳнат шартномасида айтиб ўтилган мутахассислик бўйича топшириқларини бажариши шарт. Масалан, бухгалтер ўзининг фаолияти соҳаси бўйича ҳар қандай операцияни амалга оширади.

Фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартнома асосида ишлайдиган шахс штатда турмайди, ички тартибга бўйсунмайди ва меҳнат жамоаси аъзоси ҳисобланмайди. Унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш мумкин эмас, унга таътил, шу жумладан – ижтимоий таътил тақдим этилмайди, “касаллик варақаси” бўйича тўлов амалга оширилмайди. Бундан ташқари, штатдан ташқари ходимға меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган ходимлар учун белгиланган кафолатлар татбиқ этилмайди.

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича фуқаро фақат буюртмачи томонидан унга топширилган индивидуал-аниқ ишни бажаради. Бажарилган иш натижасига ҳақ тўланади. Ҳақнинг миқдори ва муддатлари келишувға кўра белгиланади.

Агар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича қабул қилинган фуқаро ҳақиқатда у ишни меҳнат қонунчилигига мувофиқ бажараяпти деб ҳисобласа, у ҳар қандай вақтда фуқаролик ишлари бўйича судға мурожаат қилиши мумкин. Низони кўриб чиқиш чоғида суд нафақат шартноманинг номи ёки матнини таҳлил қилади ва баҳолайди, балки меҳнат шартномаси белгилари мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи бошқа ҳолатларни ҳам ўрганади.

Штатдаги ходим билан бир вақтда фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузиш мумкинми?

Амалдаги қонунчилик мазкур ташкилотда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар



тузишни тақиқламайди. Компания штатдаги ходим билан муайян ишни бажариш ёки муайян хизмат кўрсатиш учун фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартнома тузиши мумкин. Тарафлар ўртасида бир вақтда меҳнат ва фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномаларнинг мавжудлиги қонун бузилиши ҳисобланмайди. Мисол: меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган корхона қоровули билан бино фасадини реставрация қилиш бўйича ишларни бажариш учун фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилган.

Яна нималар ҳақида билиш лозим!

Штатдаги ходим билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузаётганда меҳнат қонунчилиги атамаларидан фойдаланманг (“лавозим”, “иш ҳақи”, “ишга қабул қилиш”, “ишдан бўшатиш”, “иш режими”). Шартномага меҳнатга доир ўзаро муносабатлар учун хос бўлган шартларни киритманг. Ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ортида меҳнат муносабатлари яширинмаганлигини кузатиб boring.

Мисол: катта бўлмаган ташкилотнинг штатдаги референти 6 ой давомида фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартнома бўйича бухгалтерия ҳисоби хизматларини кўрсатади. Штатда бухгалтер штат бирлиги назарда тутилган, бироқ у вакант. Шахс узоқ давр мобайнида ҳақиқатда штатдаги ходим функцияларини бажариб келаётганлиги келиб чиқади. Бу текширувчи органлар томонидан меҳнат муносабатлари сифатида баҳоланиши мумкин.²⁹

Мазкур ҳолатда энг мақбул вариант – асосий ходим штатга қабул қилингунга қадар, референтга қўшимча ҳақ тўланган ҳолда ички қўшимча Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида низомнинг 20-банди билан расмийлаштирилади. Бунда ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айна шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида бошқа касб ва лавозимдаги қўшимча

29 https://buxgaltar.uz/publish/doc/text163218_shtatdan_tashqari_hodim_bilan_mehnat_shartnomasini_tuzish_mumkinmi

ишни бажариш бир неча касбда ва лавозимда ишлаш ҳисобланади.

Ходим томонидан меҳнат шартномасида кўрсатилган ўзининг асосий иши билан бир қаторда айти шу ташкилотда асосий касб ва лавозим бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомида ўша касб ва лавозимдаги қўшимча ишларни бажариш хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтириш, ишлар ҳажмини кўпайтириш ҳисобланади.

Бир неча касбда ва лавозимда ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга шундай касб ва лавозим бўйича бўш иш ўрни мавжуд бўлганда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ходим томонидан вақтинчалик йўқ бўлган ходимнинг вазифаларини бажаришда йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида битимлар, шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар, яъни шартнома тушунчаси, шартлари, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби берилган бўлиб, бу нормалар кодекснинг иккинчи қисмида назарда тутилган барча шартномаларга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам шартномалар намуналарини тайёрлашда, унинг амалиётда ва ўқув жараёнида қўлланилишига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354-моддасига мувофиқ фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодексида, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллардан ташқари тарафларни шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Агар қонунда муайян турдаги шартномалар учун маълум бир шакл белгилаб қўйилган бўлмаса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда, яъни оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган шартнома оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти ҳаракатидан унинг шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб



турган ҳолда ҳам бундай шартнома тузилган ҳисобланади.

Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган шартнома, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган шартнома ҳисобланади.

Нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган шартнома нотариал тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан, нотариал тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлганда эса-шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлар шартномани муайян шаклда тузишга келишган бўлсалар, гарчи қонунда бу турдаги шартномалар учун бундай шакл талаб қилинган бўлмаса-да, шартнома белгиланган шаклга келтирилганидан кейин тузилган ҳисобланади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра шартнома, унинг барча шартлари бўйича тарафлар ўзаро келишган бўлса, тузилган ҳисобланади.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкин.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақида таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддаси мувофиқ бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, лозим даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади.

Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак. Оферта уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс

билан у офертани олган пайдан бошлаб боғлайди. Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади. Одатда оферта чақириб олинмайди.

Қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

Амалдаги қонун ҳужжатлари офертага таклиф этиш ва оммавий оферта каби усулларни назарда тутди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ, номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан тўғри кўрсатилмаган бўлса, офертага таклиф этиш деб қаралади.

Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан 7 таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф оммавий оферта ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ оферта юборилган шахснинг уни (офертани) қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш акцепт бўлмайди.

Офертани акцептлаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва ҳ.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, акцепт ҳисобланади.



Агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади. Офертада акцепт муддати кўрсатилган бўлса, акцепт оферта йўллаган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Ёзма офертада акцепт муддати кўрсатилмаган акцепт оферта йўллаган шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатларда, агар бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади.

Оферта акцепт учун муддат кўрсатмасдан оғзаки тарзда қилинганида бошқа тараф уни акцептлаганини дарҳол айтган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Акцепт тўғрисида ўз вақтида йўлланган билдириш кечикиб олинган ҳолларда оферта йўллаган тараф бошқа тарафга акцепт кечикиб олинганини дарҳол билдириб қўймаса, акцепт кечиккан ҳисобланмайди.

Агар оферта йўллаган тараф бошқа тарафга унинг кечикиб олинган акцептини қабул қилганини дарҳол маълум қилса, шартнома тузилган ҳисобланади. Офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб акцепт ҳисобланмайди.

Агар шартномада унинг тузилган жойи кўрсатилган бўлмаса, шартнома оферта йўллаган фуқаронинг яшаш жойида ёки юридик шахснинг жойлашган ерида тузилган ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, факс орқали тузилган шартнома унинг тузилганлигини билдирсада, тарафларнинг имзолари ва муҳрлари асл нусхада эмаслиги сабабли суд томонидан инобатга олинмаслиги ва шартноманинг асл нусхаси талаб этилиши мумкин, лекин шартнома факс орқали тузилганлиги сабабли шартноманинг асл нусхасини тақдим этиш имконияти бўлмайди.

Шу сабабдан, агар факс орқали тузилган шартнома шартлари тарафларни қониқтирса ва иккала тараф томонидан сўзсиз ижро

этилса, шартнома бўйича тарафлар ўртасида низо чиқмаса, уни тузилган деб ҳисоблаш мумкин.

Қуйида бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқадиган муносабатларни ўрнатувчи юзга яқин шартномалар намуналари келтирилган бўлиб, улардан тарафлар бевосита оферта сифатида фойдаланишлари мумкин. Уларда шунингдек шартнома шартларидан бири сифатида низоларни муқобил усулда ҳал қилиш, яъни ҳакамлик судларига мурожаат қилиш тартиби киритилган. Бу тарафларга низоларни тезкорлик билан вақт ва маблағларни тежаш орқали ҳал қилиш имкониятини беради.³⁰

Умумий ўрта таълим муассасалари бўш турган биноларини ижарага беришади ёки пуллик таълим хизматларини амалга оширишлари мумкин.

Мулк ижараси шартномаси³¹ бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақэвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Агар қонун ёки мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган даромадлар унинг мулки ҳисобланади.

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин. Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан биронтаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўтишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси, бундай мулкнинг олди-сотди

30 Фозилжон Отахонов, доц. Камол Қодиров Санжар Отахонов Наврўзбек Хажиев. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар. Амалий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А.Э.Шайхов раҳбарлигида тайёрланди. Тошкент.-2010. 5-8 бетлар.

31 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон



шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади.

Мулк ижараси шартномаси шартномада белгиланган муддатга тузилади. Умумий ўрта таълим муассасаларининг бўш турган бинолари Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори³² билан тасдиқланган Давлат мулкани ижарага бериш тартиби тўғрисида низом асосида ижарага берилади.

Қонун ҳужжатларида энг асосий тушунчалар қўлланилади. Мазкур тушунчалар таълим соҳасида объект ва субъект фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнларга оид тушунчаларни белгилайди ва ҳар бир тушунчанинг мазмунини очиқ беради.

Бунда тушунчаларни тўғри қўлланилиши қонун ҳужжатларни талқин этиш жараёнларига аниқлик киритишга хизмат қилади. Хусусан давлат мулки бу давлат корхоналари ва бюджет ташкилотлари балансидаги мол-мулк, шунингдек юридик шахсларнинг оммавий мулкни бошқарувчи ёхуд ваколатли давлат органи томонидан тасарруф этиш ҳуқуқисиз уларга берилган мол-мулки (давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлар билан сотиш ҳоллари бундан мустасно) ҳисобланади.

Низомга асосан ижарага берувчи - Қорақалпоғистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Давлат мулкани ижарага бериш марказларидир.

Балансда сақловчи эса ижарага берилаётган давлат мулки унинг балансида ҳисобга олинган юридик шахс (умумий ўрта таълим муассасаси) ва ижарага олувчи эса қонунчиликда белгиланган шартларда ва тартибда давлат мулки бўйича ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

Давлат мулки уларга нисбатан ижарага берувчида:

- илгари тузилган давлат мулки ижараси шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги;
- уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ёки муомала лаёқати

32 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.09.2021 й., 09/21/563/0859-сон

чекланганлиги (жисмоний шахсларга нисбатан) тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлган шахсларга ижарага берилмайди.

Агар ижарага бериш натижасида балансда сақловчининг ишлаб чиқариш ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашса ёки бюджетдан молиялаштиришнинг назарда тутилган лимитларидан ортиқ бўлса, давлат мулки ижарага берилиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юқори турувчи ташкилот ёки муассис (мавжуд бўлганда) билан келишган ҳолда балансда сақловчи томонидан ҳужжатлар билан асосланиши керак.

Ижарага берилган давлат мулки (унинг бир қисми), шунингдек давлат мулкни (унинг бир қисмини) ижарага олиш бўйича ижарага олувчининг ҳуқуқи ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши ёки бошқача тарзда ижарага олувчи томонидан учинчи шахсларга ўтказилиши мумкин эмас. Ижарага олувчи ижарага олинган давлат мулкни учинчи шахсларга, шу жумладан субижара шартларида беришга ҳақли эмас.

Ижарага олувчи мол-мулкни соз ҳолатда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплаши шарт.

Давлат мулки ижарасининг энг кўп муддати беш йилни ташкил этади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Давлат мулкни ижарага бериш жараёни ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларнинг ташаббуси асосида бошланиши мумкин.

Ушбу мақсадларда ташаббус кўрсатувчи давлат мулки жойлашган жойдаги ижарага берувчига:

давлат мулкнинг тавсифини ва у жойлашган жойни;

балансда сақловчини (бундай маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда) кўрсатган ҳолда тегишли таклифни тақдим этади. Таклиф кўриб чиқилиши ва таклиф олинган пайтдан бошлаб бир ҳафта муддатда ташаббус кўрсатувчига асосланган жавоб юборилиши шарт.



Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қўйидаги тарзда аниқланади:

$$T_c = E_c * K_z * (K_q + K_x + K_o), \text{ бунда:}$$

T_c — бир йилга бир кв. метр учун ижара тўловининг таянч ставкаси;

E_c — бир йилга бир кв. метр учун энг кам ставка;

K_z — ҳудудий зоналар коэффиценти;

K_q — қурилиш тури бўйича коэффицент (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чердак, болохона, ярим ертўла, ертўла);

K_x — туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффиценти;

K_o — тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффиценти (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларида чиқишда жойлашиш ва бошқалар).

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови ставкаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкалари ҳисоб-китоби асосида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланган энг кам ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас.

Бунда ҳунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорида белгиланади.

Жорий йилнинг 15 декабридан кечикмай бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўлови энг кам ставкаларининг келишилган ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тасдиқлаш учун юборилади.

Технопарк ҳудудидаги давлат мулки тадбиркорлик субъектларига, тегишли коэффицентлар белгиланмасдан, ижара тўловининг энг кам ставкаси бўйича берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»³³ қарорига мувофиқ қуйидаги алоҳида тоифадаги тадбиркорлик субъектларига давлат мулки объекти учун ижара тўлови ушбу объектга нисбатан энг кам ижара тўлови ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади:

- ҳисобот даврининг якуни бўйича ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини сотишдан тушган тушумининг умумий ҳажмида камида 30 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия буюмлари ва инвентарлар ишлаб чиқариш, уларга ортопедик протезлаш, протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларини таъмирлаш хизматлари кўрсатишдан тушган тушум ташкил этган тадбиркорлик субъекти;
- ҳисобот даврининг якуни бўйича ишлаб чиқарадиган маҳсулотларини сотишдан тушган тушумининг умумий ҳажмида камида 20 фоизини Брайл алифболи китоб ва бошқа босма материаллар, имконияти чекланган болаларга ўқув ва бадиий адабиётларни чоп этиш, ишора тилини қўллаган ҳолда аудио китоб ҳамда видеоматериаллар яратишдан тушган тушум ташкил этган тадбиркорлик субъекти;
- меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларининг камида 30 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар, ўн олти ёшга тўлмаган болалари ёки ногиронлиги бўлган болалари бўлган ёлғиз шахслар, жазони ижро этувчи муассасалардан озод этилган шахслар, одам савдоси қурбонлари, ўқишни тугатган кунидан бошлаб уч йил ўтмаган умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, «Меҳрибонлик» уйлариининг 30 ёшга етмаган битирувчилари ташкил этган тадбиркорлик субъекти;

Мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкаси:

- агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган

33 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.06.2018 й., 07/18/3782/1338-сон; 11.01.2019 й., 06/19/5620/2501-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон; 12.11.2020 й., 07/20/4889/1515-со



муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатга тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлмаса - мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан;

- агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса - мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Самарали фойдаланиш муддати Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг³⁴ 144-моддасида кўрсатилган таснифлашдан келиб чиқиб белгиланади.

Балансида сақловчининг раҳбари ва бош бухгалтери ижарага берилаётган мол-мулкнинг тикланган қиймати тўғрисида тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавоб берадилар.

Ижара шартномасини тузишда иситиш, совутиш, электр энергияси билан таъминлаш, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш (ҳисоблагич, дизель генератори, совутиш машинаси (чиллер, фанкойл ва бошқалар), тортиш вентиляторлари, насослар, трансформатор ва тақсимлаш кичик станциялари, ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш тизимлари, кўтариш механизмлари (шу жумладан лифтлар ва бошқалар) зинапоя панжаралари, зинапоялар, лифт шахталари ва бошқа шахталар, шунингдек балансида сақловчи ва ижарага олувчиларнинг ходимлари ёки ўқувчилари ошхоналар ва буфетларда овқатланиши учун фойдаланадиган майдончалар бўйича муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялар, механик, электр, санитария-техник асбоб-ускуналар ва бошқа асбоб-ускуналар ва қурилмалар бўйича ижара тўлови белгиланмайди.

Давлат мулкининг кўрсатиб ўтилган турлари бўйича шартномада коммунал ва фойдаланиш тўловлари, шу жумладан амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда) назарда тутилади.

Турли спорт, маданий, ўқув, тиббиёт тадбирлари ва бошқа

34 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.10.2021 й., 03/21/726/1001-сон

ижтимоий тадбирлар (тўғараклар)ни ташкил этиш, шунингдек дарсдан ташқари (ишдан ташқари) вақтда балансида сақловчи ва ижарага олувчиларнинг ходимлари овқатланиши ва/ёки даволанишини ташкил этиш мақсадида ижаранинг айрим объектлари (ошхоналар ва буфетлар, заллар (хоналар), спорт иншоотлари 270 иш куни ва 8 соатлик иш куни ҳисобидан келиб чиқиб ижара тўловининг соатбай ставкаси тўланган ҳолда ижарага берилиши мумкин.

Таълим муассасаларининг спорт иншоотлари ўқув машғулотларидан бўш вақтда, уларни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятини олган тадбиркорлик субъектларига (амалга оширилган ишларининг қийматидан келиб чиқиб) ижара тўловларисиз фойдаланишга берилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат муассасаларида фитобарлар ташкил этилганда, давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови белгиланган миқдорнинг 50 фоизига камайтирилган ҳолда ҳисобланади.

Бунда фитобарларда вендинг автоматларидан фойдаланилган ҳолларда давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ҳисобланмайди.

Ижарага берувчи давлат мулкини ижарага бериш мақсадида:

- ◆ ижарага берилаётган давлат мулкини хатловдан ўтказди;
- ◆ ижарага берилаётган давлат мулкига юклатилган мажбуриятларни аниқлайди ва улар ҳақида маълумот тайёрлайди;
- ◆ ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини тузади;
- ◆ ижара шартномаси лойиҳасини, давлат мулкини ижарага бериш шартларини, ижара объекти, шу жумладан ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни ва бошқа зарур ахборотни тайёрлайди;
- ◆ ижарага берилаётган давлат мулки рўйхатини эълон қилади;
- ◆ давлат мулки ижарасига буюртманомаларни қабул қилади ва уларнинг рўйхатдан ўтказилишини, махфийлигини ва сақланишини

таъминлайди;

- ◆ потенциал ижарага олувчиларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) талаби бўйича уларга ижарага берилаётган мол-мулк, унинг тавсифлари билан танишиш имкониятини беради;
- ◆ ижарага берилаётган мол-мулкни тегишли хизматлар билан таъминлаш бўйича битим лойиҳасини ишлаб чиқади ҳамда уни балансда сақловчи ҳамда коммунал хизматлар ва фойдаланиш хизматлари кўрсатувчилар билан келишади (зарурият бўлса);
- ◆ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

Давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага бериш мақсади ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган Моддий маданий мерос объектларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

Давлат мулки даврий нашрларда, шунингдек давлат мулки ижарага берилиши тўғрисида мажбурий тарзда эълон қилиш шarti билан (чоракда камида бир марта) ижарага берилади.

Эълонда қуйидаги маълумотлар берилади:



Ижарага олувчи ижара шартномаси муддатини узайтириш тўғрисида ёзма равишда мурожаат қилган тақдирда, агар қонунда ёки ижара шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ўз вазифаларини зарур тарзда бажариб келган ижарага олувчи шартнома муддати тугагандан кейин, шартлар тенг бўлган ҳолатларда ижара

шартномасини янги муддатга тузишда бошқа шахсларга нисбатан устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳар бир ижара шартномаси бўйича буюртманомалар ижарага берувчи томонидан фойдаланилмаётган давлат мулкани ижарага бериш тўғрисида эълон берилгандан кейин биринчи буюртманомарўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб, ҳар бир буюртманомага тартиб рақами берилган ҳамда буюртманома берилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда, беш иш куни мобайнида махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин тушган талабномаларни (буюртманомаларни) кўриб чиқиш 2 иш кунидан ошмайдиган муддат мобайнида амалга оширилади.

Талабгорлар (талабгор) талабномаларни (буюртманомаларни) кўриб чиқишда қатнашиши мумкин. Буюртманомаларни кўриб чиқишда қатнашмаган талабгор кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ёзма равишда (факс, электрон почта, почта орқали) хабардор қилинади. Талабгорларнинг буюртманомаларини кўриб чиқиш балансда сақловчи ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари вакиллари иштирокида ижарага берувчи ҳузурида ташкил этиладиган Комиссия томонидан кўриб чиқилади, кўриб чиқиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

Комиссия иши регламенти Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан белгиланади.

Икки ва ундан ортиқ талабгорлардан таклифлар тушган тақдирда ижара шартномаси ижаранинг белгиланган шартларига риоя қилинган ҳолда ижарага берилаётган давлат мулки учун ижара тўловининг энг кўп миқдорини таклиф этган талабгор билан тузилади.

Талабгорларнинг таклифлари тенг бўлган тақдирда ижара шартномаси, агар талабгорлардан бири буюртманомаларни кўриб чиқиш жараёнида ижара тўловининг дастлабки таклифидан ортиқ



бўлган миқдорда ижара тўловини таклиф этмаса, бошқалардан олдин буюртманома берган талабгор билан тузилади. Ушбу ҳолатда шартнома ижара тўловининг энг юқори миқдорини таклиф этган талабгор билан тузилади.

Ўз мажбуриятларини зарур тарзда бажарган ижарага олувчи бошқа шартлар тенг бўлган тақдирда янги муддатга ижара шартномасини тузишда бошқа талабгорлар олдида устунлик ҳуқуқига эга бўлади, транспорт воситалари ижараси бундан мустасно.

Фақат бир нафар талабгордан буюртманома тушган тақдирда ижара шартномаси унинг таклифлари тегишли эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган тақдирда у билан тузилади ёхуд унга ижара шартномаси тузишнинг сабаблари асосланган рад жавоби юборилади.

Бунда навбатма-навбатлик тартибида:

- бюджет ташкилотлари;
- халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ўз фаолиятини амалга оширувчи қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича гуруҳлар давлат мулки ижара шартномасини тузишнинг устунлик ҳуқуқига эга бўладилар, улар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари шартларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлаштирилади, улар учун ижара тўловининг нул ставкаси белгиланган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- балансида сақловчининг юритишида бўлган ташкилотлар, шунингдек балансида сақловчининг юқори ташкилоти (муассасаси) ҳисобланган вазирликлар (идоралар)нинг таркибий бўлинмалари;
- кичик тадбиркорлик субъектлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат мулки ижара шартномасини тузишнинг устунлик ҳуқуқига эга бўладилар.

Амал қилиш муддати навбатдаги йилга ўтадиган кўчмас давлат

мулки ижара шартномаси бўйича бўлажак йил даври учун ижара тўлови белгиланган тартибда бўлажак йилга ижара тўловининг энг кам ставкаларига мувофиқ белгиланади.

Кўрсатилган шартларга мувофиқ тузилган, амал қилиш муддати кейинги йилга ўтадиган кўчмас давлат мулки ижара шартномаси бўйича келгуси йил даври учун ижара тўлови олдинги ва келгуси йил учун энг кам ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ижара тўлови тафовутига мутаносиб равишда кўпаяди ёки камаяди.

Ижарага олувчи келишмаган тақдирда ижара шартномаси бекор қилинади ва ижара объекти белгиланган тартибда ижарага берилади. Давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга ягона электрон савдо майдончасида онлайн-аукционлар йўли билан ҳам ижарага берилиши мумкин.

Буюртманомаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома Комиссия томонидан қарор қабул қилинган кунда Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва унинг раиси томонидан тасдиқланади.

Буюртманомаларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги имзоланган баённома асосида тегишли давлат мулкининг ижара шартномаси тузилади.

Ижара шартномаси ижарага берувчи, ижарага олувчи ва балансда сақловчи ўртасида тузилади. Ижара шартномасини буюртма номаларни кўриб чиқиш баённомасида кўрсатилган муддат мобайнида, лекин кўпи билан беш кун муддатда барча томонлар имзолаши керак.

Ижара шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

- ижарага берилаётган давлат мулкининг таркиби ва қиймати;
- ижара муддати;
- ижара тўловининг ставкаси ва умумий миқдори, уни тўлаш шартлари ва муддатлари;
- ижара тўлови миқдорларини қайта кўриб чиқиш муддатлари ва шартлари;
- давлат мулкининг ҳолати ва ижарага берувчи уни ижарага олувчига



бериши керак бўлган муддат;

- ижарага олувчи томонидан давлат мулкидан фойдаланиш, шу жумладан, коммунал тўловларни ва бошқа фойдаланиш тўловларини тўлаш шартлари;
- шартнома тўхтатилгандан кейин давлат мулкини қайтариш ҳолати ва тартиби;
- ижарага олинган давлат мулкини тиклаш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлар;
- ахборотлар ҳажми ва уларни ижарага берувчига тақдим этиш муддатлари;
- ижара шартномасини, шу жумладан, ижара тўловларини тўлаш муддатларининг бузилиши муносабати билан бекор қилиш шартлари;
- томонларнинг жавобгарлиги;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

Ижара шартномасини бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Давлат мулкининг ижара шартномаси:

- кўчмас мулк бир йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилганда, давлат рўйхатидан ўтказилиши;
- давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўлган транспорт воситалари ижарага берилганда, нотариал тасдиқланиши;
- корхоналар ижарага берилганда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.
- Ижара тўлови бўйича ҳисоб-китоблар қуйидагиларни ўз ичига олади:
- ижара тўлови;
- коммунал ва фойдаланиш тўловлари шу жумладан амортизация ажратмалари (мавжуд бўлганда).

Ижара тўлови ижарага олувчи томонидан ижара тўловининг охириги белгиланган миқдоридан ва ижаранинг қолган муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган даврлар (ҳар чоракда, ҳар ойда ва

шу каби) бўйича тенг миқдордаги тўловлар билан тўланади. Тўлов ижара шартномасида кўрсатилган муддатларда ҳар бир навбатдаги давр (чорак, ой ва шу қабилар) учун юз фоиз олдиндан тўлаш шаклида амалга оширилади.

Ижарага олувчи ижарага берилган давлат мулкани тиклаш ёки мукаммал таъмирлашни амалга оширган тақдирда унинг қилган харажатлари, ижарага олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг тегишли хизматлари экспертизаси натижалари тақдим этилган тақдирда, балансда сақловчига ажратиладиган ижара тўлови суммасини камайтириш ҳисобига қопланади давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бундан мустасно.

Ижарага берувчиларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган давлат мулки ижарасидан маблағлар, шунингдек ижара тўлови кечиктирилганлиги учун ундирилган пеня ва шартнома мажбуриятлари бузилганлиги учун жарималар суммаси ҳар ҳафтада қуйидаги тартибда тақсимланиши лозим.

Ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасига, 40 фоизи — давлат мулкани балансда сақловчига, 10 фоизи — ижарага берувчига йўналтирилади.

Халқ таълими муассасаларининг кўчмас мулкани ижарага беришдан тушган маблағнинг 1 фоизи Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади.

Ижарага берувчи маблағларни хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси, ижарага берувчи ва балансда сақловчи ўртасида ҳар қайси ижара шартномаси бўйича алоҳида, ижарага берувчи томонидан хизмат кўрсатувчи банкда очиладиган транзит ҳисоб рақамидан тақсимлайди.



Ижара тўловининг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

Коммунал ва фойдаланиш хизматлари бўйича тўловларни тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари ижара шартномаси билан бир вақтда тузиладиган балансда сақловчи ва ижарага олувчи ўртасидаги битим билан (битим шартлари ижара шартномасига киритилиши мумкин), коммунал ва фойдаланиш хизматларини кўрсатувчилар томонидан белгиланган тарифларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади. Электр энергияси, сув ва газни ҳисобга олиш учун зарур ҳисоблаш приборларини ўрнатиш шартнома шартларига мувофиқ балансда сақловчи ёки ижарага олувчи томонидан амалга оширилади.

Ижарага берувчи коммунал ва фойдаланиш хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган битимларга мувофиқ ижарага олувчи томонидан унга кўрсатилган хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўланишини назорат қилади.

Тузилган ижара шартномаси шартларига мувофиқ балансда сақловчи ижарага берувчи иштирокида давлат мулкани шартнома шартларига ва давлат мулкнинг мўлжалланган мақсадига мувофиқ ҳолатда ижарага олувчига бериши, ижарага олувчи эса ижара муддати тугагач ёки ижара шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда, ҳақиқий эмас деб ҳисобланганда балансда сақловчига қайтариши шарт.

Давлат мулки унга тегишли бўлган барча буюмлар ва унга тааллуқли бўлган техник ҳужжатлар билан бирга ижарага олувчига берилади ва унинг томонидан қайтарилади.

Давлат мулкани бериш ва қайтариш уч томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда, томонларнинг ваколатли вакиллари иштирокида амалга оширилади, далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:



Бериш далолатномаси томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланади ва томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлса) билан тасдиқланади.

Ижарага олинган давлат мулкида камчиликлар аниқланган тақдирда (қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари) мулкни қабул қилиб олувчи томонлар бошқа томон давлат мулкани шартномада белгиланган муддатларда ижара шартномаси шартларига мувофиқ ҳолатга келтиргунгача ёки етказилган зарарни қоплагунгача уни қабул қилиб олишни ва давлат мулкани топшириш - қабул қилиш далолатномасини имзолашни рад этишга ҳақлидир.

Ижарага берилаётган давлат мулкани ҳисобга олиш ва ахборот маълумотлари базасини юритиш ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

Ижарага берилаётган давлат мулки реестри ижарага берувчи томонидан шакллантирилади ва мулк тўғрисидаги мавжуд ахборотга мувофиқ ҳар чорақда янгилаб борилади (ижарага берилган, ижара муддати тугаган ва шу кабилар).

Реестрни шакллантириш учун ахборот балансда сақловчи томонидан

Ижарага берилаётган давлат мулкани ҳисобга олиш мақсадида ижарага берувчи ижара шартномаси тузилгандан кейин бир иш куни мобайнида реестрга тегишли ёзувни киритади, ижара шартномаси асл нусхасининг ҳар биттасига ҳисобга олингани тўғрисида белги қўяди, ҳисобга олиш ёзуви киритилган санани ва тартиб рақамини кўрсатади, уни муҳр билан тасдиқлайди. Уч нусхада расмийлаштирилган ижара шартномасининг асл нусхалари бир нусхадан баланс сақловчига, ижарага олувчига берилади ва бир нусхаси ижарага берувчида қолади.

The diagram illustrates the stages of the innovation process:

- Information search:** Information is sought from various sources.
- Identification of opportunities:** Opportunities are identified through analysis.
- Development of a business plan:** A business plan is developed, considering the needs of the market and the capabilities of the organization.
- Implementation:** The plan is implemented, and the results are monitored.

Балансида сақловчи йил чорагида камида бир марта ўзи унинг юритишида бўлган давлат мулкани хатловдан ўтказишга ва фойдаланилмаётган давлат мулки аниқланган тақдирда 10 кун мобайнида ижарага берувчига давлат мулки жойлашган жойни,

миқдори, таркиби ва бошқа умумий тавсифларини кўрсатган ҳолда унинг ҳақидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлар яширилганлиги, ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, шунингдек, уларнинг бузилганлиги учун балансида сақловчи ва айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ижара шартномасига мувофиқ қабул қилинган мажбуриятларни томонлар бажармаган тақдирда улар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.


Давлат мулкини ижарага бериш муносабати билан пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда ҳал этилади.



Назорат саволлари:

1. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани тузишда шартнома мажбурий тартибда қайси шартларни ўзи ичига олиши керак?
2. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномани меҳнат шартномасидан фарқларини ёритиб беринг.
3. Давлат мулки даврий наشرларда давлат мулки ижарага берилиши тўғрисида мажбурий тарзда эълон қилиш шarti билан (чоракда камида бир марта) ижарага берилади. Эълонда қайси маълумотлар киритилади?
4. Ижара шартномасида қандай масалалар назарда тутилади?
5. Давлат мулкини бериш ва қайтариш уч томонлама топшириш-қабул қилиш далолатномасида қайси ҳолатлар кўрсатилади?
6. Ижарага берувчи ижара шартномаси амал қиладиган муддат мобайнида қандай ҳуқуқларга ҳақлидир?





**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**



УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш асосан ушбу муассаса раҳбариятига ва ўша ҳудудда белгиланган ички ишлар органлари зиммасига юклатилади. Ҳозирги кунда мактабларда психолог-инспектор лавозими жорий этилган бўлиб, мазкур мактаб ҳудуди ва ундан ташқари туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиб бўйича ҳуқуқ тартиботни таъминлашга хизмат қилишади.

Уларнинг ўзларининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида Қонуни³⁵ билан амалга оширишади. Қонуннинг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:


- шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир

³⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон

этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;

- жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат:



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан қуйидаги фаолиятларни амалга оширади:



Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи асосий давлат органларидан бири ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ички ишлар органлари мамлакатдаги барча соҳаларда ўз фаолиятини юритади.

Умумий ўрта таълим бевосита давлат органи сифатида Халқ таълим вазирлиги томонидан бошқарилади. Вазирлик ўзининг ваколати доирасида тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади.

Халқ таълим вазирлиги ва умумий ўрта таълим муассасалари ички ишлар органларига қуйидагилар ҳақида хабар бериши шарт:



Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фаолиятлари



ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади



ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади



мамлакатдаги, айрим минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади



ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади



ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади



фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради



паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди



жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидирувида иштирок этади



ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради



ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади



Умумий ўрта таълим муассасаларининг ваколатлари



ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади



таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади



таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади



таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади



таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини кўради



таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида ҳаммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғараклар, клублар ташкил этади



ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонунчилиikka мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи асосий давлат органларида ҳисобланади. Маҳалаларда ҳуқуқбузарликлар вужудга келиши мумкин бўлган вазиятларни ёки уни олдини олиш юзасидан тегиш члра-тиадбирларни амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари



ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади



ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади



тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади



рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади



ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади



яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади



ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларга кўмаклашиш ҳамда зарур ёрдамни кўрсатиш йўли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни³⁶ билан тартибга солинади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:



Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

- таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

36 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон

- вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Халқ таълими вазирлигининг ваколатлари



вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этади;



ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа муассасаларнинг фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширади;



таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганларни аниқлайди ҳамда уларнинг ҳисобини юритади, уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, таълим олишига доир чора-тадбирларни кўради;



вояга етмаганларга ўз ҳаёт йўлини ва касб-ҳунар танлашида уларнинг қобилияти, қизиқиши, мойиллиги ҳамда соғлиғининг ҳолатига мувофиқ психологик ёрдам кўрсатади;



ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда уларнинг келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълими шакллариини белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий педагогик комиссиялар тузади;



якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади;



таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғараклар, клублар ташкил этилишини ҳамда вояга етмаганларни уларда қатнашишга жалб этишни таъминлайди, вояга етмаганларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда қатнашади;



Ота-онаёкиота-онаўрнинибосувчишахсларвоягаетмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.


Халқ таълим вазирлиги ўзининг ваколати доирасида вояга етмаганлар борасида бир нечта ваколатрни амалга оширишади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ҳам қонунчиликда белгиланган нормаларга асосан бир қанча ваколатга эга.

Айнан умумий ўрта таълим муассасаларининг аксарияти вояга етмаган шахслардан иборат. Вояга етмаган бўйича ҳар бир мактабда инспектор-психолог штати жорий этилган.

Мактабларда вояга етмаганларнинг ўқув, маънавий-маърифий, ташкилий фаолиятини доимий равишда мониторинг олиб боришда уларнинг бевосита функционал мажбуриятлари ҳисобланади.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади.



Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

- вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, улар ота-оналарининг ота-оналик ҳуқуқи чекланган, ота-онаси муомалага лаёқатсиз деб топилган, ота-онаси касал бўлган, ота-онаси узоқ муддат бўлмаган, ота-онаси болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан ота-онаси ўз болаларини таълим муассасаларидан, соғлиқни сақлаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, келгусида уларни жойлаштириш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қилади;
- кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қилади;
- мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- якка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.
- Халқ таълим вазирлиги ва таълим муассасалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ихтисослаштирилган мактаблар ва ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари киради.

Мазкур ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари регионал



равишда ўқувчининг жисмоний ва руҳий ҳолатидан келиб чиқиб ташкил этилади.


Қорақалғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг бюджет таъминотида бўлиб, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига доимий равиш ички ишлар органларидан махсус равишда инспекторлар назоратида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалга оширилади.

Мактабларда инспектори-психолог шатати ташкил этилган бўлиб улар доимий равиш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб боради.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган, таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш учун алоҳида шароитларга муҳтож вояга етмаганлар қуйидаги ҳолларда уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилиши мумкин, агар улар:

- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаган бўлса;
- айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;
- якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш учун қуйидагилар асос бўлади:



Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ушбу муассасаларда сақлаш, тарбиялаш ва таълим беришга тўсқинлик қиладиган касаллиги бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим беришга тўсқинлик қиладиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ўз ваколатлари доирасида:


- вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг касб-хунар тайёргарлигини ва ижтимоий-педагогик реабилитациясини амалга оширади;
- вояга етмаганларни сақлашнинг мазкур муассасалар ҳудудини қўриқлашни, вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлигини ва салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини, ушбу муассасалар ҳудудига бегона шахсларнинг эркин киришини, бу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг эркин чиқишини чеклашни ўз ичига олган махсус шарт-шароитларини таъминлайди;
- вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларни ўзбошимчалик билан тарк этиши ҳолатлари тўғрисида ушбу муассасалар жойлашган ердаги ва вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги ёки турган жойидаги ички ишлар органларини хабардор қилади ҳамда ички ишлар органлари билан биргаликда уларни топиш ва мазкур

муассасаларга қайтаришга доир чора-тадбирларни кўради;


- вояга етмаганларнинг яшаш жойидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга вояга етмаганларнинг ушбу муассасалардан чиқарилаётганлиги тўғрисидаги хабарномаларни, шунингдек вояга етмаганларга оид тавсифномаларни уларни чиқаришдан камида бир ой олдин юборади.

Бошқа қонун ҳужжатларда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари идоралараро комиссияларга қуйидаги масалалар юзасидан тақдимномалар киритади:



вояга етмаганларни
бошқа
ихтисослаштирилган
ўқув-тарбия
муассасаларига ўтказиш.



вояга етмаганларнинг мазкур муассасаларда
бўлишини суд томонидан белгиланган муддат
ўтишидан олдин, агар улар ҳулқ-атвори тузалганлиги
сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом
эттиришга муҳтож бўлмаса ёки соғлиғи ҳолатига
кўра бу муассасаларда бўла олмаса, тугатиш.



вояга етмаганларни
ўқитишни тамомлаш
зарур бўлган тақдирда,
уларнинг ушбу
муассасаларда бўлиш
муддатини узайтириш.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Васийлик ва ҳомийлик органлари ўз ваколатлари доирасида:



Маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ўз ваколатлари доирасида:

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- фаолияти вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган болалар ва ёшлар жамоат бирлашмалари, ижтимоий муассасалар, жамоат фондларига ҳамда бошқа ташкилотларга ёрдам кўрсатади;
- вояга етмаганларни ўқитишни, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этишда иштирок этади;
- вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда шакллантириш бўйича фаолиятни амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат
нотижорат ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:



Якка тартибдаги профилактика иши қуйидаги вояга етмаганларга нисбатан олиб борилади:

- назоратсиз ёки қаровсиз қолганлар;
- ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар;
- таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар;
- амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек вояга етмаганни жазо қўлламасдан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар;
- ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда

ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар;

- жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар;
- мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар;
- жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинганлар, шахсий жамият ҳаётининг хавфли хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар;
- ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар;
- шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганлар ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар;
- руҳий ҳолатининг бузилганлиги туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганлар.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

Якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш учун қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар, агар улар қуйидаги ҳужжатларда қайд этилган бўлса, асос бўлади:

- вояга етмаганнинг ёхуд унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар ваколатига кирадиган масалалар юзасидан ўзига ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризасида;



- суднинг ҳукми ёки ажримида;
- вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ёки ички ишлар органи бошлиғининг қарорида;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассасаларга вояга етмаганларни жойлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатларда;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи орган ёки муассаса раҳбари шикоятлар, аризалар ёки бошқа хабарларни текшириш натижалари бўйича тасдиқлаган ҳулосада.

Якка тартибдаги профилактика иши ижтимоий ва бошқа ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган муддатларда, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар бартараф қилингунига ёки вояга етмаганлар 18 ёшга тўлгунига ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатлар юзага келгунига қадар олиб борилади.

Ички ишлар органлари ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини унинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос хусусиятларини, содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини, оилавий тарбия шароитларини ҳисобга олган ҳолда олиб боради.

Бунда якка тартибдаги профилактика ишини психологлар ёрдамида амалга ошириш зарур. Вояга етмаган томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар асосан уларнинг ижтимоий ҳаёт турмуши билан боғлиқ вазиятларга асосланади.

Психологларнинг асосий вазифаси вазиятга тўғри баҳо бериб, вояга етмага томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликни ҳолатини аниқлаш талаб этилади.

Ушбу ҳолатлар вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, бошқа шахслар билан профилактика суҳбатлари ўтказиш, вояга етмаганни унинг яшаш, ўқиш (иш) жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш давомида аниқланади. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:



Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида:

- оиладаги муҳитни соғломлаштиришга, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг болаларга салбий таъсир кўрсатишини бартараф этишга доир тадбирлар амалга оширилади;
- ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик, болаларнинг хулқ-атвorigа салбий таъсир кўрсатганлик ёхуд улар билан шафқатсиз муомалада бўлганлик



оқибатлари тушунтирилади;

- оилани яшаш жойига бориб кўриш, тавсифловчи материалларни ўрганиш, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вакиллари, бошқа шахслар билан суҳбатлар ўтказиш орқали ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда нияти аниқланади;
- уларга ижобий таъсир кўрсатишга қодир бўлган шахслар жалб этилади;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш, уларга таълим бериш, уларнинг бандлиги ва дам олишини ташкил этиш масалалари ҳал этилади;
- вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд уларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналар ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда таклифлар киритилади.
- Ўзига нисбатан яқка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётган вояга етмаганлар, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқлар билан таъминланади.
- Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақланаётган вояга етмаганлар белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқлар билан таъминланади:
- ота-онасини ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни вояга етмаганлар мазкур муассасаларга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;
- одамнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;
- чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашувлар, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқотлар ҳамда учрашувлар воситасида оиласи билан алоқада бўлиш, посилкалар, бандероллар, йўқловлар олиш, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;
- белгиланган нормалар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминотнинг бошқа буюмларини олиш.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вояга етмаганга нисбатан келиб тушган унинг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини ёхуд ўзига нисбатан якка тартибдаги профилактика иши олиб борилган вояга етмаганнинг ҳуқуқбузарлиги ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиб, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ёки бошқа таъсир чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, ички ишлар органлари бу ҳақда зудлик билан хабардор қилинади.

Ички ишлар органлари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун зарур бўлган материалларни ўн кун ичида вояга



етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия учун тайёрлаши шарт.

Ички ишлар органлари тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларга зарур ҳужжатларни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади. Сўровлар олинган кундан эътиборан беш кун ичида бажарилиши керак.

Соғлиқни сақлаш муассасалари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлигини аниқлаш учун уни тиббий текширувдан ўтказди.

Тиббий текширув вақтида вояга етмаганда унинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида сақланиши, тарбияланиши ва таълим олишига тўсқинлик қиладиган касалликлар аниқланган тақдирда, унга тааллуқли материаллар бошқа таъсир чораларини қўллаш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга топширилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш ҳақидаги материаллар тайёрланаётган вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилиши ёхуд ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг назоратига топширилиши мумкин бўлиб, улар вояга етмаганнинг муносиб хулқ-атворда бўлишини ва суднинг чақирувига биноан келишини таъминлаши шарт.

Судга келишдан бўйин товлаётган ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, шунингдек 16 ёшга тўлган вояга етмаганлар мажбурий келтирилиши мумкин.

Вояга етмаганлар, агар жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки жиноят иши тугатилган ёхуд жиноий жазодан озод қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилмайди.

Шунга қарамай ҳудуддаги ички ишлар бўлимларида назоратида бўлиб, вояга етмаган шахсни нормай ҳаёт тарзига тушганлиги, яшаши муҳити, ўқишга бориш келиши кузатиб борилади.

Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қуйидаги ҳужжатларни юборади:



Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия зарур ҳужжатларни олгач, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани олинган ҳужжатларни, шунингдек жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган ёки тугатилган жиноят иши материалларини илова қилган ҳолда уч суткадан кечиктирмай судга юборади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия уни тақдим этган пайтдан эътиборан 24 соат ичида вояга етмаганнинг яшаш жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг вакиллари суд мажлисида иштирок этиши шарт. Илтимосномани кўриб чиқишда ички ишлар

органининг вакили ва адвокат иштирок этиши мумкин.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакилининг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш зарурлигини асослаб берадиган маърузасидан бошланади. Сўнгра прокурор, ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқиладиган вояга етмаган, адвокат, агар у суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, судда ҳозир бўлган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар ўрганилади.

Ажрим судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиб, судья қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:



Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига мазкур мажбурлов чорасини қўллаш муддатини

кўрсатган ҳолда жойлаштириш тўғрисида;
вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирамай туриб тузалиши мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар ёки уни мазкур муассасага жойлаштиришга тўсқинлик қиладиган сабаблар судья томонидан аниқланган ҳолларда, илтимосномани қаноатлантиришсиз қолдириш ва материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга вояга етмаганга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш учун юбориш тўғрисида.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги ажрими у ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга кирази ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими дарҳол мазкур ажримни ижро этишни таъминловчи органлар ва муассасаларга юборилади, вояга етмаганга, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, васийлик ва ҳомийлик органига, адвокатга, агар у суд мажлисида иштирок этган бўлса, маълумот учун юборилади.

Судьянинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарган ажрими устидан судья мазкур ажримни чиқарган кундан эътиборан ўн кун ичида жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судига вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия ҳамда адвокат томонидан шикоят берилиши ёки прокурор томонидан протест билдирилиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар



судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади. Бунда Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судининг судьяси вояга етмаган иши юзасидан қуйидаги ажримлардан бирини чиқаради:

Суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримининг ижросини қуйидагилар таъминлайди:

вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия — вояга етмаганга нисбатан ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа таъсир чораларини қўллашга тааллуқли қисмини;

ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази — вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига олиб боришга тааллуқли қисмини;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаси - вояга етмаганни мазкур муассасада сақлаш муддати мобайнида унинг тузалиши ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилинишини таъминлашга тааллуқли қисмини.



Назорат саволлари:


1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларини ёритиб беринг.
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ваколатларини тушунтиринг.
3. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг

профилактикасига доир фаолиятнинг асосий вазифалари очиб беринг.

4. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида қандай ваколатларни амалга оширади?
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ваколатларини тушунтириб беринг.
6. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган билан яққа тартибдаги профилактика ишини олиб бориш давомида қандай ҳаракатларни амалга оширади?
7. Ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга қандай ҳужжатларни юборади?
8. Жиноят ишлари бўйича судининг судьяси вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома бўйича чиқарилган ажрим устидан берилган шикоятни (протестни) шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади ва қандай ажримларни чиқаради?



9



ХУЛОСА



ХУЛОСА

Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида ҳуқуқий компетентликни ривожлантириш асосан директорнинг ҳуқуқий билимларини ошириш ва қонунчилик янгиликлардан домий равишда хабардор бўлиш талаб этилади. Шунинг учун халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мактаб директорининг касбий шаклланиши ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ва ўз вақтида малакасини ошириб боришга узвий боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилган таълим-тарбия тизимини амалий-назарий методологик жиҳатдан қуроллантириш – бугунги кунда таълимни бошқарувининг бош мақсади сифатида белгиланган.

Таълимни бошқарувида ҳуқуқий вазиятларни муваффақиятли уддалаш ҳар бир раҳбардан юксак касбий маҳорат, ҳуқуқий билимдонлик ва кенг дунёқарашни талаб этади.

Ҳуқуқий компетентлик – мактаб директорларининг самарали бошқарув намунаси бўлиб, у йиллар давомида шаклланади. Унинг юксак маҳоратни эгаллаши ғоят мураккаб жараён бўлиб, таълимни бошқарувининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий компетентлик ва ҳуқуқий билимларини доимий равишда ошириб бориш учун раҳбар кадрлардан ўз касбига лаёқатли,

истеододли бўлиши талаб этилади.

Бунда умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида ҳуқуқий масалалар асосан таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқини тўғри қўллай олиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини олдини олишга хизмат қилади. Бошқарувда вужудга келадиган ҳуқуқий интизом бу айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга ва масъул давлат органлари билан ҳамкорликка қонун устуворлигига риоя этиш талаб этилади.

Раҳбар кадрлар учун бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий асосларини билиш ҳуқуқий компетентликнинг муҳим элементи ҳисобланади. Ўзбекистон бола ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш бўйича халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ўз зиммасига олаган. Амалдаги қонунчиликда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек уларнинг ҳимоясига алоҳида эътибор берилмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида аксарият ҳуқуқбузарликлар меҳнат муносабатларида содир этилмоқда. Меҳнат муносабатларида мактаб директори учун ходимларни ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш, ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий билимларни оширишга муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ҳуқуқий компетентликнинг яна бир муҳим элементларидан бири бу бошқарув фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш иборатдир.

Бунинг учун бошқарув фаолиятида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва шу соҳада ҳуқуқий билимларни доимий равишда ошириш бориш ва ривожлантириш фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида самарадорликни оширишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатларнинг аҳамияти ва мол-мулкни ижрага бериш, таълим хизматларини амалга оширишга оид ҳуқуқий билимларни компетентлик даражасида билиш



мазкур жараёнда шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятларни тўғри қўллашга хизмат қилади.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда таълим муассасаси ходимлари ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактик ишларни йўлга қўйиш бошқарувда самарадорликни олиб келади.

Мазкур ўқув қўлланма халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари ва уларнинг кадрлар захирасини узлуксиз касбий ривожлантириш курс тингловчилари фойдаланишларига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М., Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017-йил 14 январ // Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017 – 104 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020-йил 29-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2020-йил 29 декабр)

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2017-й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 2020-йил 23-сентябр, ЎРҚ-637-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: Ўзбекистон” 2021-й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 3-сентябрдаги “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тартиби тўғрисида”ги 414-сон Қарори. //Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1999-йил, 9-сон, 51-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005-йил 25 оябрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–227-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005-йил 21-декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон Қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005-йил, 51-сон, 379-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016-йил 7-апрелдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 107-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 2-июндаги “Ўқув асбоб-ускуналари ва анжомларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида”ги 345-сон Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йилнинг 12-январидagi “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-3290-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017-йилда 7-февралдаги ПФ-4947-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 15 мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом” тўғрисидаги 140-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3183-сон Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” ПФ-5106-сон Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3907 сон Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3931-сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 2018-йил 8-октябрдаги “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 130-сон буйруғи.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
20. “Замонавий мактаб”ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида
21. 2019-йил 27-ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4537- сон Қарори.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 6 сентябрдаги “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида ПФ-5812-сон Фармони.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил

24. 25-апрелдаги “Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириши ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари” тўғрисида 352-сон қарори.
25. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019-йил 5 ноябрдаги “Халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида тиббий хизматни такомиллаштириш” тўғрисида 56-сон қарори.
26. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020-йил 30 июндаги “Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификатсия рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3271 – сон қарори.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 30 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 823-сон қарори.
28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 343-сон Қарори.
29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 17 апрелдаги “Таълим муассасаларида уни битириб, юсак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобига шакллантириладиган битирувчилар жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 321-сон қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 22 апрелдаги “Халқ таълими тизимидаги муассасаларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 344-сон Қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 1-февралдаги “Давлат таълим муассасаларининг спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатувчи спорт тўғаракларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 78-сон Қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон Қарори.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон Қарори.
36. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш умумтаълим мактаб директорлари учун умумий бўлган ўқув курслари бўйича ҳамда таълим бошқаруви (менежменти)дан давлат талаблари, тақвимий-мавзуйй режа ва ўқув дастурлари. — А. Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ Ахборотномаси, 2019-йил.

Асосий адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х., ва б. Персонални бошқариш. Дарслик.—Т.: “Иқтисодиёт”, 2013-йил.
2. Ансофф И. Стратегический менеджмент / СПб.: Питер, 2009.
3. Ахлиддинов Р. Ш. Мактабни бошқариш санъати.—Т: “Фан”, 2006 йил.

4. Баринов В.А., Харченко Б.Л. Стратегический менеджмент. — М.: Инфра-М, 2005.
5. Веснин В.Р. Стратегическое управление. — СПб.: ТК Велби, Проспект, 2006.
6. Джайлаов А. Таълим соҳасида интерактив давлат хизматларидан фойдаланиш технологиялари (малака ошириш курслари тингловчилари учун услубий қўлланма)—А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2016 й.
7. Эшқобилов С. Таълим муассасаларини бошқаришда ахборот тизимларини жорий қилиш. Методик қўлланма — А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ, 2018 й.
8. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти, Тошкент «ВОРИС-НАШРИЁТ» 2006-йил.
9. Ишмуҳамедов Р.Ж, Юлдашев М. А, “Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар” “Нихол” нашрети, —Т.2013 й.
10. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё. “Менежмент”.—Дарслик. 2001-йил.
11. Йўлдошев Ж.Ғ, Усмонов С. Таълим менежменти.-Т, 2006-йил.
12. Карамова А.С. Личностные качества руководителя//Гуманитарные научные исследования № 2 (30) Феврал 2014 г.
13. Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар маъсулияти. —Т.: Академия, 2011.
14. Пахрутдинов Ш. Глобал ахборот жамияти ва медиатаълим. —Т.: 2015;
15. Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш технологияси. Тошкент 2017 й., 582 бет.
16. Полукаров В.Л., Петрушин В.И. Психология менеджмента, М.2013.
17. Рустамова Н. Медиатаълим ва медиамаданият: назария ва амалиёт. – Т. “Мухаррир” 2015;
18. Саидов У. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. – Т.: “Академия”, 2007.
19. Турғунов С.Т. Таълим муассасалари директорлари бошқарув

22. Xudoyberganov Q.T., Nurmuxamedov T.R. va b. Xodimlar menejmenti. Darslik. T.: 2010.
23. Stoll L., Moorman H. and Rahm S., School Leadership Development Strategies: The Austrian Leadership Academy, A Case Study Report for the OECD Activity Improving School Leadership 2007.
24. Brent Davies., Strategic Direction and Development of the School Key Frameworks for School Improvement Planning (School Leadership Series) 2003.
25. Les Bell., “Strategic planning and school management: full of sound and fury, signifying nothing?”, Journal of Yeducational Administration, Vol. 40 Iss 5 pp. 407 – 424, 2002.
26. Ulrich, D., Zenger, J. and Smallwood, N., Results-Based Leadership, 1999.
27. United Nations Children’s Fund Teachers: A Regional Study on Recruitment, Development and Salaries of Teachers in the CEECIS Region 2011.

Интернет манбаалари:

[http: //www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)
<https://onlinedu.uz/>
<http://lex.uz>
<http://www.gov.uz>
[http: //www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz)
[http: //www.ziyonet.uz.](http://www.ziyonet.uz)
<http://www.wikipedia.org>
<http://www.oecd.org>

Мазкур ўқув қўлланмада таълим тизими фаолиятини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асослари, уларнинг ижросини таъминлашга масъул давлат органлари, уларнинг ваколатлари, бола ҳуқуқлари кафолатларининг миллий ва халқаро ҳуқуқий асослари, умумий ўрта таълим муассасаларида меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, умумий ўрта таълим муассасаларида фуқаролик-ҳуқуқий шартномавий муносабатлар, умумий ўрта таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалалари ҳақида маълумотлар берилган. Мазкур ўқув қўлланма халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари ва уларнинг кадрлар захирасини узлуксиз касбий ривожлантириш курс тингловчилари фойдаланишлари учун тавсия этилади.

Ботиров Ҳамид Ҳакимович. Умумий ўрта таълим муассасалари бошқарувида ҳуқуқий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент-2022 йил. 212 бет.

Тақризчилар:

Юридик фанлар доктори, доцент
Джураев Ихтиёр Бахтиёрович

Юридик фанлар номзоди, доцент
Қўшаев Нурали Махмудович

Ушбу ўқув қўлланма Абдулла Авлоний номидаги педагогларни касбий ривожлантириш ва янги методикаларга ўргатиш миллий-тадқиқот институти Илмий Кенгашининг 2022 йил 27 январдаги 1/1-сон қарори билан чоп этишга тавсия этилди.

